Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 24 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

№ 88 (6584).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ИСТИҚЛОЛ ВА РАВНАҚ КЎЗГУСИ

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» КИТОБИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўз истиқболига комил ишонч билан юз тутган мустақил Ўзбекистон Республикасини бугунги кунда Шарқ Ғарб давлатлари тан олмоқдалар, унинг халқаро нуфузи кун сайин, ой сайин ошиб бормоқда. Ўз мустақиллигини эълон қилгандан кейинги бир йил ичидаёқ Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлганлиги, унинг Президенти Хельсинки Шартномасини имзолаганлиги, республикамизни жаҳоннинг юздан ортиқ давлатлари тан олганлиги, ўнлаб мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги, Ўзбекистон Президентининг бир қатор Осиё ва Европа давлатларига расмий ташрифлари ва олий даражадаги учрашувларда давлатлараро алоқалар бўйича ҳужжатлар имзоланганлиги — буларнинг ҳамма-ҳаммаси оламшумул тарихий аҳамият касб этаётир.

Ҳа, бугунги ёш мустақил давлат сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатларининг ойдин йўлидан дадил одимламоқда. Собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб Президентлик бошқарувининг жорий этилганлиги, Ўзбекистонимиз биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилганлиги, ўз байроғи ва гербини таъсис қилгани, «Давлат тили тўғрисида», «Таълим ҳақида» ва бошқа қатор муҳим қонунлар қабул қилгани ҳам мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадамлардир. Умуман, Ўзбекистондаги ўзгаришлар, сиёсий барқарорлик, аниқ иқтисодий омилларни кўзлаб иш тутиш айни пайтда жаҳон мамлакатларини қизиқтирмоқда. Ёш мустақил республика тараққиётининг ўзига хос йўли нималарга таянади? Бу саволга Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобидан кенг ва атрофлича таҳлилий жавоб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам яқиндагина чоп этилган бу китоб ҳамма-ҳамманинг эътиборини тортаяпти. Меҳнат жамоаларида, педагоглар, олимлар давраларидаги суҳбатларда, илмий-назарий анжуманларда китобда қўйилган масалалар атрофлича муҳокама қилинаётир, унга республикани равнақ топтиришнинг муҳим дастури сифатида қаралаётир.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўтган сешанба куни бўлиб ўтган илмий-назарий конференция ҳам ана шу муҳим дастурий китобда қўйилган масалаларни талқин этишга бағишланди. Институт ректори, профессор К. Ю. Юсупов «И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарининг мустақилликни мустаҳкамлашдаги ўрни» маърузасида китобнинг ҳозирги давр учун муҳим аҳамияти атрофлича кўрсатиб берилди.

— Президентимиз томонидан ёзилган бу асарни мустақил Ўзбекистон тараққиётининг чинакам дастури деб аташ мумкин, — деди нотиқ. — Китобда бозор иқтисодига ўтиш даврининг мураккаб муаммолари, бу муаммоларни ҳал қилишнинг назарий ва амалий йўллари ёрқин кўрсатиб берилган. Муаллифнинг сиёсатни ҳам, иқтисодни ҳам, айни пайтда халқ ҳаётини ҳам яхши билиши, иқтисодчи олим ҳамда йирик сиёсий арбоб сифатида масалаларга ёндашиши назарий ва амалий изчил хулосаларни баён этишга имкон берган. Аниқроқ қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт модели ёрқин ифодаланган.

Маърузачи китобда қўйилган вазифаларга тўхталиб, тараққиёт йўлининг барча масалаларини ҳал этиш, шубҳасиз, инсон омилига боғлиқлигини қайд этди. Зотан, инсонни ҳар томонлама ривожлантирмай туриб келажак равнақининг асосини таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам республика истиқболини яратувчи таянч — бу кадрлардир. Даврнинг етук кадрларини тайёрлашдек улкан ва шарафли вазифани адо этишда халқ таълимининг роли ҳам беқиёсдир.

Маълумки, яқин ўтмишдаги экстенсив ривожланиш Ўзбекистон халқ таълими ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Бу таъсир оқибатлари эса бугунги бозор иқтисодига ўтиш даврида, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Халқ таълимига янгича ёндашишгина, унга катта эътибор беришни мунтазам давом эттиришгина халқ таълими ривожига йўл очади ва у мустақиллик талабларини таъминлай олади. Бунинг учун эса миллий узлуксиз халқ таълимини тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш лозим. Бу йўлда дадил қўйилаётган қадамлар, шубҳасиз, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Доцент Ш. Тўқсоновнинг «Истиқлол ва устивор иқтисод» деб аталган маърузаси иқтисодни барқарорлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш масалаларига бағишланди. Маърузачи корхоналарни хусусийлаштириш муаммоларига алоҳида тўхталиб ўтди.

— Президентимиз китобида халқ маънавиятини юксалтириш масалалари ҳам атрофлича ёритилган, — деди профессор Н. М. Маҳмудов «Комил маънавият — жамият камолотининг асосидир» деган мавзудаги маърузасида. — Чиндан ҳам, маънавий юксалиш мустақиллик негизларидан биридир. Қабул қилинганлигининг уч йиллиги нишонланаётган давлат тили тўғрисидаги Қонун ҳам ана шу маънавият бош манбаидир... Нотиқ фалсафа, мантиқ, этика эстетика фанлари муаммолари, ўқитиш масалаларига янгича ёндашиш усулларига ҳам кенг тўхталиб ўтди.

Илмий-назарий анжуманда профессор Б. Тўхлиев «Ўзликни англаш ва миллий қадриятлар», профессор С. Содиқов «Халқ таълими равнақи — жамият истиқболи», профессор А. Йўлдошев «Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсати» мавзуларида маъруза қилдилар.

Маърузачилар Президент китобида қўйилган туб масалаларни атрофлича шарҳлаш билан биргаликда бир қатор ҳаётий мисоллар орқали Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги дадил одимларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Улар И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби ҳар бир профессор-ўқитувчи, ҳар бир бўлажак муаллим учун мустақил республика муаммолари ва равнақи йўлини англаб етишда муҳим дастур бўлиб қолади, деган хулосани билдирдилар.

— Бундай илмий-назарий суҳбатлар аудиторияларда, омма ўртасида ҳам давом этади, чунки Ўзбекистон мустақиллигининг тақдири — бу ҳаммамизнинг тақдиримиздир, — деди йиғилишдан сўнг биз билан суҳбатда тарих фанлари доктори, профессор Собитхон Носирхўжаев.

Ҳа, профессор ҳақ гапни айтди. Мустақилликни мустаҳкамлаш уни англаб етишдан ва қадрлашдан бошланади. Қўйилган ҳар бир қадам, бажарилган ҳар бир иш, эгалланган билим ва маҳорат бизни истиқбол сари чорлайверади.

Маҳкам РАҲМОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

БИРИНЧИ ВА УНУТИЛМАС

Республикамизда юз бераётган ҳозирги ижтимоий янгиланиш жараёнида халқ таълими тизимида ҳам муҳим ўзгаришлар кечмоқда. Янги турдаги ўқув муассасалари режа ва дастурлари пайдо бўлиши, янги таълим услубларининг амалга татбиқ этилаётганлиги ҳар бир ўқитувчидан ўз вазифасига ижодкорона мунсабатда бўлишни тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, республика Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида 20—21 октябрь кунлари Тошкентда, Ўқитувчилар уйида ижодкор ўқитувчи ва тарбиячиларнинг I Республика адабий анжумани ўтказилди.

Анжуманга вилоятлардан таклиф этилган ўзларининг шеър, ҳикоя ва бошқа асарлари билан кўпчиликка таниш 80 нафар ўқитувчи-ижодкорнинг юксак савияда баҳс-мунозаралар, адабий мажлислар қуриши, шунингдек, бу тадбирнинг давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул этилган кун арафасида ўтказилгани йиғинга байрамона руҳ бахш этди.

Анжуман очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг, умуман, халқ таълими ходимларининг олдида турган муҳим масалалар тўғрисида сўзлади. Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби, шоир Жамол Камол ижодкор ўқитувчиларга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб, анжуман ташкил этилишида ташаббускор бўлган Халқ таълими вазирлигига миннатдорчилик билдирди.

Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло барча ижодкор ўқитувчиларни чин қалбдан табриклаб, хайрли ишга қўл урилганлигини ва буни давом эттириш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Мактабларда тил ва адабиёт фанини ўқитиш масалалари ҳам кўпчиликнинг диққат марказида бўлди. Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, вазирнинг биринчи муовини Й. С. Саиджонов ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул ходимлари иштирокида бугунги тил ва адабиёт ўқитувчисининг билим даражаси, савияси, асосий вазифалари хусусида баҳс-мунозаралар уюштирилди.

21 октябрь куни — анжуманнинг иккинчи иш куни ижодкор ўқитувчиларнинг «Шарқ юлдузи» таҳририяти ходимлари билан давра суҳбатидан бошланди. Давра суҳбатида ойнома бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов, таниқли олим-адабиётшунослар — Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Й. Абдуллаев, Ортиқвой Абдуллаев, шоир Икром Отамуродов иштирок этдилар. Суҳбат давомида мактабда эски ўзбек ёзуви фанини ўқитилиши, она тили ва адабиёт фани бўйича турли йўналишдаги ўқув дастури ва режалари, дарсликлари, муҳокама этилди.

Умуман, анжуман ишида, асарлар муҳокамасида истеъдодли шоирлар Раъуф Парфи, Гулчеҳра Нуруллаева, Чоршаъм Рўзиев, адабиётшунос Абдулла Улуғов ва бошқа қатор ижодкорларнинг иштирок этишлари, фикр-мулоҳазалари кўпчиликда ёрқин таассурот қолдирди.

Анжуман якунида ижодкорлар халқ таълими вазири ҳузурида қабулда бўлдилар. Ҳайъат тавсиясига асосан, шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармалари тавсияномаларига кўра, вилоятлардан бир нафардан ижодкор ўқитувчи «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Шунингдек, муҳокамаларда асарлари юксак савияда баҳоланган ўндан ортиқ ижодкор ўқитувчи Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига аъзоликка тавсия этилди.

Ижодкор ўқитувчи ва тарбиячиларининг I Республика адабий анжумани ўз ишини якунлади. Йиғин иштирокчилари бир овоздан бу тадбирни анъанавий равишда йилда бир марта ўтказиб туришга келишиб олдилар. Ижодкор ўқитувчи ва тарбиячиларнинг II Республика анжумани 1993 йили Гулистонда бўлади.

Ҳумоюн АКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар бошқармаси ходими.

МУАЛЛИМА НОМИДАГИ КОРХОНА

Флора опа Жуманова касбидан барака топган меҳнат фахрийларидан. У Самарқанд вилояти Пастдарғом районидаги байналмилалчи-жангчи Абдураҳмон Эшонқулов номли мактаб ўқувчи-ёшларига 27 йил немис тилидан сабоқ бериб, эндиликда қарилик гаштини сураяпти. У дам олиш билан бирга иккинчи истеъдоди — тўқувчилик ҳунарини ўйда ўтириб қолган қишлоқ қиз-жувонларига ўргатмоқда.

Муаллима ўзи истиқомат қилаётган илғор жамоа хўжалигининг Чандир қишлоғида «Флора» деб номланган кичик корхона ташкил этиб, унга 12 нафар уй бекаларини жалб этди. Муаллима номидаги кичик корхона чеварлари зивит рўмол, болалар ва катталар учун жемпер тўқишни ўзлаштириб олдилар.

Меҳри Худойбердиева, Ирода Бекмуродова, Ойдин Холиқова, Фазилат Хушвақтова, Мавлуда Бердиёрова, Дилдора Худойберганова сингари қўли гул тўқувчилар ўз замондошларини арзон, бежирим маҳсулотлари билан таъминлаб, улар олқишига сазовор бўлишмоқда.

Н. ЭШҚУВВАТОВ,
Пастдарғом районидаги 24-мактаб ўқитувчиси.

МУЛОҚОТ МАВЗУСИ— ЭРТАНГИ МАКТАБ

Куни-кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида ушбу партия раҳбариятининг муаллимлар, халқ таълими ходимлари билан учрашуви ўтказилди. Учрашувдан кутилган мақсад, уни олиб борган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов таъкидлаганидек, маорифимизда йиғилиб қолган муаммолар ҳақида шу соҳада меҳнат қилаётганлардан бевосита эшитиш, уларнинг истак ва таклифларини тегишли давлат идораларига етказиш, халқ таълимини давр талаблари даражасига кўтаришга фаол кўмаклашишдир.

— Биз, — деди М. Расулов, — мактаб, маориф тақдирига бефарқ бўла олмаймиз, чунки гап болаларимиз, келажагимиз устида бормоқда. Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни тараққий этган давлатлар даражасига кўтариш, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш ҳам кўп жиҳатдан шу соҳага боғлиқдир. ХДПнинг дастурида бизнинг ушбу масалага муносабатимиз, эзгу ният ва мақсадларимиз аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Партиямиз раиси, республикамиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукуматимиз ҳозирги жуда қийин шароитда уларни амалга оширишнинг барча зарурий чораларини кўрмоқдалар. Ёш авлодни тарбиялаш масалалари республика раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Буни Олий Кенгаш томонидан таълим тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши, Президентимизнинг ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашга доир фармонлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Лекин, барча соҳаларда бўлгани каби халқ, таълимида ҳам муаммолар кўп. Уларнинг ечимларини топиш тўғрисида биргалашиб фикрлашсак, яхши бўлади.

Учрашув қатнашчиларидан Акмал Икромов районидаги 106-мактаб ўқитувчиси Отахон Исахонов, Собир Раҳимов районидаги 24-мактаб ўқитувчиси Хатима Қодирова, шу райондаги 119-мактаб директори Даливой Турсунов, 45-кечки мактаб директори Тинчибой Пўлатов, Мирзо Улуғбек районидаги 241-мактаб ўқитувчиси Ҳабиба Олимова, Юнусобод районидаги 554-болалар боғчаси тарбиячиси Ҳусния Ризаева, Ҳамза районидаги 421-болалар боғчаси мудираси Т. К. Карижская, Чилонзор район халқ таълими бўлими мудири Малик Абдумаликов, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг масъул ходими Ислом Зокиров, таниқли санъатшунос ва мунаққид Баҳриддин Насриддинов, «Маърифат», «Учитель Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Аҳмаджон Долимов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги тест синови маркази директори Исломжон Турсунов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби Муқимжон Қирғизбоевлар суҳбатда фаол иштирок этишиб, ўз шахсий кузатувлари, турли муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларию уларни бартараф этиш йўллари тўғрисидаги истак ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Нотиқлар Ўзбекистон Президенти ва республика ҳукуматининг халқ таълими ходимлари ва ўқувчиларга кўрсатаётган катта ғамхўрлигини мамнуният билан қайд этишди. Шу билан бир қаторда улар соҳада мавжуд бўлган кўпгина муаммоларга давра иштирокчилари диққатини жалб қилдилар. Жумладан, миллий истиқлолга эришган мамлакатимизда амалга оширилаётган мактаб ислоҳоти жараёнида таълим мазмунини, сифатини тубдан яхшилаш лозимлиги уқтирилди. Чунки бунга эришмасдан туриб маорифимизни жаҳон даражасига кўтариш, Ўзбекистонни тараққий этган давлатлар қаторига қўшиш мушкулдир. Бунинг учун эса ўқитувчилар тайёрлашни яхшилаш, уларни танлов асосида ишга олишни такомиллаштириш даркор. Бу ишда тест синовлари ва шартномалар тузишни кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай мактабнинг пойдеворн бошланғич таълимдир. Шундай экан, бошланғич таълимга алоҳида эътибор бериш, уни тажрибали муаллимлар, миллий хусусиятлар асосида тузилган дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, синфлардаги болалар сонини оқилона меъёрдан оширмаслик талаб этилади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

НИЯТИМИЗГА ЕТДИК

Шу кунларда халқимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилишда фаоллик кўрсатмоқда. Конституция лойиҳасининг матбуотда эълон қилиниши Ўзбекистон халқларига берилган демократиянинг ёрқин ифодасидир. Биз бундай инсонпарварлик Қомусини кутган эдик ва, ниҳоят, бунга эришдик.

Лойиҳада жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий асослари қандай шаклда бўлиши кўрсатилгани кимни қувонтирмайди дейсиз. Бу принциплар ҳуқуқий давлатимизнинг асосий пойдевори бўлиши керак.

Лойиҳани кўпчилик ҳамкасбларим қатори мен ҳам ҳар бир боблари ва моддалари билан танишиб чиқиб, баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш ҳар қандай жамиятнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ҳозирги шароитда шахснинг мустақил ҳаракат қилиши ва қарорлар қабул этиш учун ёшлар мустаҳкам билим эгаси бўлиши керак. Менимча, тўққизинчи бобнинг 40-моддасида фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқлари ҳақида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга» деган жумла «Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига ва бурчига эга» деб тўлдирилса маъқулроқ бўларди.

Конституциямизни миллийлаштириш, қадриятларимизни мустаҳкамлаш борасида ўн тўртинчи бобнинг 63-моддасидаги «Вояга етган меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдир» жумласи «Вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналарига ва ота-она ўрнини босганларга иқтисодий ва маънавий ғамхўрлик қилиши инсонпарварлик бурчидир» деб ёзилса, шунингдек, 61-модда ҳам шунга ўхшаш тарзда тузатилса, менимча, маъқулроқ кўринади.

Давлат арбоби ҳаётнинг пасти-баландини кўрган, аччиқ-чучугини татиган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, фалсафа, иқтисодиёт ва сиёсатни яхши биладиган бўлиши керак, деб ўйлайман. Шунинг учун ўн биринчи бобнинг 89-моддасидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин...» деган жумлани «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ёши қирқ бешдан кичик бўлмаган, давлат тилини мукаммал биладиган ерли миллат фуқароси сайланиши мумкин...» деб ёзилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

39-моддадаги «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» жумласининг давомига «Бепул соғлиқни сақлаш давлат томонидан кафолатланади» деб қўшимча қилинса, дуруст бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси, айрим камчилик ва нуқсонлардан қатъи назар, мустақил давлатимизнинг илк Қомуси сифатида фахрлансак бўлади.

С. КАМОЛОВА.
Шайхонтоҳур районидаги Қўчқор Турдиев номли, 59-ўрта мактаб директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

„Маърифат"

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ: БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ, ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

1992—93 ўқув йилида Қашқадарё вилояти халқ таълими, касаба уюшмалари ходимлари, ўрта махсус билим юрти ҳамда олий ўқув юртларидаги ўқитувчилари севимли рўзномамиз «Маърифат»га биринчи навбатда обуна бўлмоқдалар.

Шу кунгача 17 минг обуначи газетага ёзилди. Айниқса, бу борада вилоятдаги Шаҳрисабз, Қарши, Косон, Яккабоғ, Нишон районлари намуна кўрсатаяптилар.

Шу нарса қувончлики, Қарши районидаги Островский номли 32-ўрта мактабнинг 49, Ойбек номли 12-ўрта мактабнинг 113, «Ўзбекистон 60 йиллиги» мактабининг 90 нафар ўқитувчиси сентябрь ойи маошидан тўлалигича «Маърифат»га обуна бўлдилар.

Вилоятда обуна давом этмоқда.

Б. УМИРОВ.
Қарши райони, «Москва» давлат хўжалиги.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Марҳамат районидаги Маҳмуджон Зокиров номли 29-ўрта мактабда келгуси 1993 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна бўлиш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Мактабнинг 40 нафар ўқитувчи ва тарбиячилари «Маърифат» рўзномасига, «Бошланғич таълим», «Халқ таълими», «Ширинтой» каби журналларга обуна бўлдилар. Айниқса, бу тадбирда мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси Сатторали Обиддинов, физика фани ўқитувчиси Комилахон Маҳмудова, бошланғич синф ўқитувчиси Сурмахон Баҳромовалар катта фаоллик кўрсатдилар. Уларнинг ҳар бири 5—6 хил рўзнома ва ойномаларга обуна бўлдилар.

Ш. КЕЛДИЕВ.
Андижон вилояти.

«МАЪРИФАТ»НИНГ ЧИҚИШИДАН СЎНГ

ХАЙРЛИ ИШНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ

Атоқли маданият арбоби, ҳассос шоир ва муаллим, Ўзбекистонда мактаб ва маорифнинг шаклланиши ҳамда ривожланишига муносиб улуш қўшган улуғ инсон Абдулла Авлонийни яхши биламиз. У киши 1919 йили пойтахт шаҳар собиқ Ленин районида биринчи бўлиб ўз ташаббуси ва ҳаракати билан ўзбек мактаби очиб, у ерда оддий халқнинг фарзандларига дунёвий илмлардан сабоқ бера бошлаган. Ўқув маскани дастлаб тошкентлик бир бой одамнинг хонадонидан жой олган эди. Орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин бу уй, албатта, болалар сони кўпайгани сари талабга жавоб бермай қўйди. Уз-ўзидан, уни бошқа бир каттароқ бинога кўчириш эҳтиёжи туғилди. Уша пайтларда дарҳол янги бино қуриб бериш учун моддий имконият етарли бўлмаганми ёки бошқа сабаблар бор эдими, билмадик, ҳарҳолда мактаб шаҳар бошлиқларининг «вақтинчалик» деган ваъдасига биноан Тошкентдаги христиан динига мансуб кишиларнинг собиқ черкови биносига кўчирилди. Бу бино ҳам, албатта, замонавий талабларга мутлақо жавоб бермас эди. Хоналар қишда кўмир ва ўтин ёқиб иситиларди. Фан кабинетлари, амалий машғулот лабораториялари, ошхона ва спорт зали йўқ эди. Лекин, шунга қарамасдан, бу даргоҳда сидқидилдан ишлаётган муаллимларнинг баракали, ижодий меҳнатлари, тинимсиз изланишлари туфайли болалар дарсларни яхши ўзлаштирардилар. Биз бундан бир неча йил олдин мактабга ташриф буюриб, ана шу каби далилларнинг шоҳиди бўлганмиз.

Хуллас, мактаб мазкур бинода роса 33 йил фаолият кўрсатди. У ҳозирги Миробод районидаги Миробод деҳқон бозорининг яқинига жойлашган. Мактаб ўқитувчилари ўзларига замонавий кўринишдаги янги бино қуриб беришларини сўраб кўпгина идора ва ташкилотларга сурункасига мурожаат қилдилар. Лекин бу ҳаракатлар улар кутган натижани беравермади. Пойтахт марказидаги кўзга кўринган мактаб, улуғ инсон Абдулла Авлоний елкасида опичлаб катта қилган зиё маскани яна ва яна эътибордан четда қолаверди. У ерда хоналар жорий йилнинг қишида ҳам алмисоқдан қолган каттакон қора печларга ўтин ёқиб иситилди, умумий шароит ўша-ўша эди. Ниҳоят, мактаб муаллимлар жамоаси таҳририятимизга ўз талабномаларини айтиб мурожаат қилдилар.

Биз мактаб ҳаёти билан чуқур танишдик, муаллимлар билан суҳбатлашдик. Натижада газетамизнинг ўтган йилги сонларидан бирида «Қоғоздан иморат қуриб бўлмайди» сарлавҳали танқидий руҳдаги мақола босилди. Унда Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент станциясидаги Абдулла Авлоний номидаги 40-ўрта мактабнинг ўша вақтдаги умумий аҳволи, ўқитувчиларнинг қатор талаблари, юқоридаги ташкилотдагилар бу масалага бефарқ қараётганлари ҳақидаги фикрлар баён этилган эди. Мақола жойларда муҳокама қилинди ва унда келтирилган далиллар тўғри, талаблар асосли деб топилди. Шундан кейин Тошкент шаҳар ҳокимияти ва Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси мактаб қурилиши учун етарли бўлган пул маблағи ажратишди. Пойтахт шаҳар 159-қурилиш бошқармасига қарашли 22-трест бунёдкорлари эса эски мактаб ёнига ўзлари учун қисқа саналган вақт ичида уч қаватли энг замонавий кўринишли янги бино қуриб беришди. Бунинг учун 2 миллион сўм пул сарфланди. Бино шу йилнинг 1 сентябрь куни ишга туширилди.

Ҳозир мактабга кирсангиз, ҳавасингиз келади. Янги нарса, албатта, янгида. Чор атроф пардозланган, поллар паркетдан. Фан кабинетлари, амалий машғулот лабораториялари, ЭҲМ хоналари тўлиқ жиҳозланган. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг юзидан мамнунлик ифодаси сезилади.

Мактаб 1170 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, унда ҳозирча 780 ўғил-қиз таҳсил олаяпти. Кўриниб турибдики, болалар сони мавжуд ўқувчи ўрнига нисбатан ҳийла кам. Аммо мактабга ўқувчи қабул қилиш ҳозир ҳам давом этаяпти. Агар ўқув маскани атрофида қурилиб фойдаланишга топширилаётган қатор кўп қаватли уй-жой биноларини ҳисобга олсак, яқин орада мактабнинг болалар ва ўқитувчилар билан яна ҳам гавжумлашишини тасаввур қилиш мумкин.

Илм даргоҳи жамоаси яқинда катта бир хайрли ишни бошлаш арафасида турибди. Яъни, улар профессор Бегали Қосимов ёрдамида мактаб биносида Абдулла Авлоний музейини ташкил этмоқчилар. Бу, албатта, барчага манзур иш. Агар ушбу музей улуғ муаллимнинг ҳаёти ва умумий фаолиятига оид материаллар билан тўлдирилса, яхшилаб жиҳозланса ва бойитилса, у бутун республикамиздаги нафақат ўқувчиларнинг, балки катталарнинг ҳам доимий зиёрат масканига айланиши мумкин. Чунки вақт ўтгани сари, айниқса, республикамизнинг мустақилликни қўлга киритганидан кейин, Ўзбекистондаги тарихий шахсларга, халққа хизмати синган улуғ инсонларга нисбатан қизиқиш ортиб бораётгани сир эмас.

Мазкур ўқув даргоҳининг ёши 73 да. У Республикамиздаги энг кекса мактаб ҳисобланади. Билим масканига кекса, тажрибали педагог Лутфулла Саъдуллаев директорлик қилади.

Мана, мактаб янги бинога ҳам кўчиб ўтди. Бу билан энди у кўҳна ва навқирон билим ўчоғига айланди. Авлонийнинг руҳи шод бўлди, унга яна бир бор ҳурмат бажо келтирилди. Демак, у улуғ зот бошлаган хайрли ишнинг давомийлигидан нишонадир.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
мухбиримиз.

Ўрта Осиё темир йўлига қарашли билим юртининг 374 нафар талабаси мева-сабзавотларни йиғиштириб олишда дала соҳибкорларига кўмак беришаётир.

Илғор талабалар кунига 450—500 килограммдан узум теришмоқда. Улар бугунги кунга қадар 75 тонна помидор, 25 тонна олма териб топширдилар.

Суратда: Д. Ёдгорова, З. Турдиева, М. Саҳобиддинова, Г. Бебетова, М. Қудратова сингари меҳнатсевар қизларни кўриб турибсиз.

Тасвирчилар: Б. Тўрақулов, Э. Сулаймонов.

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗА

БЕШ КУНЛИККА ЎТИЛСА

Шу кунларда мактабларни ҳафтасига беш кунлик иш тартибига ўтказиш масаласи радиода, матбуотда тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бу фикрни қўллаб-қувватлаш керак. Чунки шанба куни кўпчилик ота-оналар давлат корхона, муассаса ва ташкилотларида ишламайдилар. Шундай пайтларда фарзандлар ота-оналари билан бўлганлари маъқул. Иш ўрганадилар, уларга ёрдамлашадилар.

Р. ТИЛЛАЕВ,
Тошкент райони.

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Яқинда Фарғона вилояти ҳокимиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни қандай бажарилаётганлиги юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Н. Мансуров маъруза қилди. Нотиқ спорт ишларини янада жонлантириш учун маҳаллий бюджетдан 3,5 миллион сўм маблағ ажратилганлиги, вилоятдаги спорт иншоотларини жиҳозлаш ва моддий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, жумҳуриятда ягона бўлган ўсмир ёшларнинг соғломлаштириш профилакторийси ишга тушганлиги ҳақида тўхталди.

Фарғона вилояти жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси А. Аблякимов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т. Қурбонов, Тошкентдаги 22-болалар уйи директори, Ўзбекистон халқ ноиби А. Хлебушкина ва бошқалар сўзга чиқишиб, физкультура ва спорт соҳасида эришилган ютуқлар ва қилиниши зарур бўлган тадбирлар хусусидаги фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Т. УМАРОВ.

МУЛОҚОТ МАВЗУСИ— ЭРТАНГИ МАКТАБ

(Боши 1-бетда).

Умуман, миллий мактабга монанд дарсликларни яратиш муаммоси энг долзарб вазифалардан биридир. Бунда олимлар, ноширлар ва тажрибали ўқитувчилар кучини бирлаштиришнинг вақти келди.

Учрашувда ёш авлоднинг маънавий дунёсини шакллантиришда гуманитар фанларнинг ҳиссасини ошириш мақсадида уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар билан бойитиш, жозибали бўлишига эришиш, мактаб ва диннинг ўзаро муносабатларига доир тадқиқотлар ўтказиш масалалари катта ўрин эгаллади. Маънавий тарбияга тааллуқли барча адабиётларнинг нархини арзонлаштириш масаласи ҳам кўтарилди.

Бозор муносабатларига ўтилиши сабабли мактабда иқтисодий таълимни йўлга қўйиш, кам таъминланган оилалардан бўлган иқтидорли болаларнинг ўқишини давом эттириш учун давлат ва жамият барча шароитларини яратиб беришди, 9-синфни битириб ўқишни давом эттира олмайдиган болалар тақдири тўғрисида унутмаслик, уларни ишга жойлаштириш тартиботини ишлаб чиқиш, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий аҳволини яхшилаш, боғча ва ясиллари сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, идиш-товоқ ва жиҳозлар билан таъминлашга давлат идораларининг эътиборини кучайтириш, халқ таълими тизимининг турли соҳалари учун миллий кадрлар тайёрлашни яхшилаш, республикамизнинг иқтисодий имкониятлари, табиий бойликлари, ишлаб чиқаришнинг аҳволи, ўқитувчиларга зарур бўлган маълумотларни эълон қилиб туриш ва шунга ўхшаш жуда кўп масалалар тўғрисида турлича фикрлар айтилди, таклифлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ғ. Йўлдошев мактаб ислоҳотини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида йиғилганларга батафсил гапириб бериб, учрашувда ўртага ташланган муҳим масалаларни вазирлик алоҳида назорат остига олишини билдирди ва ўқитувчиларнинг турли саволларига жавоб қайтарди.

Маҳмуджон Расулов учрашувга якун ясаб, муаллимларни республикамиз раҳбариятининг доимий ғамхўрлигига жавобан ёш авлодни истиқлолимизга муносиб тарбиялашга, миллий кадрларни тайёрлаш ишида маорифимизнинг ҳиссасини ошириб боришга чақирди ва Ўзбекистон зиёлиларининг энг катта қисми ўқитувчилар жамият учун ўта муҳим бўлган ўз фаолиятларида Ўзбекистон Халқ демократик партиясига ҳамиша таянишлари мумкин, деб уларни ишонтирди.

С. ҚУРБОНОВ.

ТИЛ БАЙРАМИ

Шу кунларда ўлкамизнинг кўпчилик жойларида она ўзбек тилимизга давлат тили мақоми берилганлигининг уч йиллигига бағишланиб турли йиғинлар, байрамлар ўтказилаяпти. 22 октябрь куни Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат мактабидаги шодиёна ҳам уларнинг бири бўлди.

Мактаб ўқувчиларининг ўзбек тили, адабиёти, санъати ва маданиятига ихлоси баландлигиданми, уларнинг ҳар бир ўқиган шеъри, куйлаган ашуласи, жозибали рақслари томошагоҳдаги ёшу қарини бирдек ҳаяжонга солди. Улар барча чиқишларида ўзбек тилининг нақадар бойлиги, буни мумтоз адабиётимиз намоёндалари ёзиб қолдирган маънавий жавоҳирлар исботлаб турганлигини қайта-қайта айтишди.

Саҳнага Ўзбекистон Республикаси байроғи олиб чиқилди. Мактаб ўқувчилари ўша байроқ остида бор куч ва имкониятларини илмнинг юксак чўққиларини эгаллашга сарфлашажагини айтишиб, қасамёд қабул қилишди. Айтгандай, ушбу қасамёд матнини тайёрлаш бўйича бўлган танловда ғолиб чиққан Дилфуза Шодиёрованинг ёзган матни ўша куни барча ўқувчилар тилида жаранглади.

Тил байрамида иштирок этган устоз муаллимлар Ўзбекистоннинг тил, адабиёт, тарих, санъат ва маданият соҳалари истиқболи асосан нафис санъат мактаби ўқувчиларига боғлиқлигини айтишди.

А. РАҲИМОВ.

●

1989 йили давлат тили ҳақидаги Қонунга биноан, 21 октябрь Ўзбек тили куни деб эълон қилинди ва бу кун миллий байрам сифатида нишонлана бошланди. Шу муносабат билан Урганч давлат университетида олий ва ўрта махсус таълим юртларида давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилиши ва ўзбек тили ўқитилишига бағишланган Республика III илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманни УрДУ ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор, ЎзФА мухбир аъзоси А. Саъдуллаев кириш сўзи билан очди.

Конференциянинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор, ЎзФА мухбир аъзоси Б. Назаров Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги Қонуни ва унинг олий ва ўрта махсус таълим тизимида ижро этилиши ҳақида маъруза қилди. Филология фанлари доктори, профессор, ЎзФА мухбири аъзоси А. П. Ҳожиевнинг «Ўзбек адабий тилининг долзарб илмий ва амалий муаммолари» маърузаси тингланди. Бухоро давлат университети тилшунослик кафедрасининг мудири, профессор Ҳ. Неъматовнинг давлат тили ҳақидаги Қонуннинг тарихий аҳамияти, Тошкент давлат педагогика институтининг профессори М. Мўминовнинг давлат тили ҳақидаги Қонун ва жўғрофий атамалар муаммолари хусусидаги маърузалари ҳам конференция иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

Сўнгра мутахассислар шўъбаларга бўлиниб иш кўрилди. Биринчи шўъбада ўзбек тилининг долзарб назарий ва амалий масалалари бўйича фикр алмашилди. Иккинчи шўъбада эса олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўзбек тили ўқитишнинг амалий вазифалари ҳақида сўз борди. Конференцияда жами 25 маъруза тингланди. Ҳар иккала шўъба иштирокчиларининг фикр-мулоҳазари ва таклифлари, ялпи йиғилишда музокараларга чиққанларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда қарор қабул қилинди.

Навбатдаги конференцияни 1993 йил сентябрь ойида Тошкент давлат аграр университетида ўтказишга қарор қилинди.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУАССАСАЛАРДА

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИНДИ

Ҳозирги иқтисодий танг шароитда бошқа соҳаларда бўлгани каби мактабдан ташқари муассасаларда ҳам талайгина муаммолар юзага келмоқда. Мактабдан ташқари муассасалар умуман зарурми, балки, ёпиш лозимдир, деган чигал фикрлар ҳам мавжуд. Бу муаммо хусусида Республика ўқувчилар саройида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу соҳа ходимлари ўзаро фикр алмашдилар. Давра суҳбатининг қатнашчилари — Россия Федератив Республикасидан келган бир гуруҳ меҳмонлар, шунингдек осетиялик Анна Аркадьевна Гучмазова, ўзбекистонлик бир қатор мутахассислардир.

Давра суҳбатини Республика ўқувчилар саройининг директори Олия Иброҳимова бошлаб берди.

— Иқтисодий кризисни бошдан кечиряпмиз. Бирмунча моддий қийинчиликлар туғилмоқда. Аммо бу давр ўткинчи, аминманки фаровон кунлар келиши муқаррардир. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов бошқа жабҳаларда бўлгани сингари мактабдан ташқари муассасаларнга ҳам эътибор беряптилар. Ўйлайманки, бу ғамхўрлик ўз самарасини кўрсатади.

Ўзингизга маълум, ҳамма соҳада ҳам штатларни қисқартириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бу эса кўплаб кишиларнинг ишсиз қолиши демакдир. Биз бу ўринда эҳтиёткорлик билан иш кўрдик. Республиканинг чекка районларидаги айрим қолоқ ходимларни демасак, деярли штат қисқартиришига йўл қўймадик.

Меҳмонлар бир-бир ўзлари қилаётган ишларни баён этишди. А. А. Гучмазова Осетиядаги танг аҳвол тўғрисида гапириб берди. Унинг ҳаяжонли, маъюс сўзлари кўпчиликни ўйлатиб қўйди.

— Ишлаш осон эмас. Комендантлик соати эълон қилинди. Кишилар ҳаловатидан ажралди. Аммо яхши кунларга умид билан яшаяпмиз. Бизнинг муассасаларимизда фаолият давом этяпти.

Россия Федератив Республикасидан келган Алексей Константинович Брудновнинг гаплари ҳам бизга манзур бўлди:

— Болалар бизнинг даргоҳга бажонидил келишлари лозим. Бунинг учун шундай ишлашимиз керакки, муассасамиз ўқувчини оҳанрабодек ўзига тортиб турсин. Бола бу ерда қизиқишига қараб кўнгилли машғулот билан шуғуллансин. Ақл-идроки юксалиб, маънавий озиқ олсин. Ана шундагина биз «ишлаяпмиз» десак бўлади.

Яна у мактабдан ташқари муассасаларнинг ҳам бир мактаб эканлигини гапириб, Россияда бу атамани «тўлдирувчи мактаб» деб аташаётганини айтиб ўтди.

Меҳмонлар республикамизнинг Самарқанд ва бошқа шаҳарларига боришлари, бундай тажриба алмашиш суҳбатлари ҳали кўп бўлиши тўғрисида фикр билдиришди.

Ш. НОРҚУЛОВА.

ҲОЖИ БАДАЛ

ҒАЙБУЛЛА-ас-САЛОМ

СУЗ БУЛМАСА КУЗ ҲАМ КИФОЯ

Эртаси куни, 22 августда, емакхонада нонуштага йиғилдик. Дастурхон атрофида тўрт киши: икки турк, Эркин ва мен. Шунда Жумали дафъатан шеригини таништира бошлади.

— Мавлоно Эркин Воҳид, мана Сиз билан мен камина танишиб олдик ҳисоб. Аммо шеригим Аҳмад Котни танимайсизлар. Бу киши бағоят табаррук, кароматли бир инсон. Ноёб фазилат эгаси, зўр...

Шу топда, мусоҳиб ҳали гапини тамом қилиб улгурмай, Эркин менга «ялт» этиб маъноли қаради-ю, шарақлаб кулиб юборди. Кўнгил нозик нарса. Бемаврид бўлиб туюлган кулгидан Жумали озурда бўлди.

— Мен жиддий айтаётибман. Сиз бўлса...

Кулги соҳиби дарҳол изоҳ бера бошлади.

— Йўқ, зинҳор кўнглингизга олманг. Мен ҳам «жиддий» кулаётибман. Каминага нашъа қилгани... Худди шу гапни, айнан шу алфозда кеча мана бу зот, Ғайбулла акам, менга айтувдилар. Кароматли, ноёб хислатли инсон деб.

Жумали ҳайрон бўлиб менга қаради:

— Ие, Сиз Аҳмад Котни илгаридан танирмидингиз?

— Йўқ, энди кўриб турибман. Бундан муқаддам учрашмаганмиз бул зоти шариф билан.

— Ҳим... Қаёқдан билдингиз, бўлмаса?

«Оббо, ўйладим ичимда, яна бошланди...»

— Шундоқ...

Алқисса, Эркин Воҳид Жумалидан сўради:

— Жаноб Аҳмад Котни бизга дурустроқ таништирсангиз.

— Тақсирим икки тоқкир Маккайи мукаррамага ҳаж қилганлар.

О, икки марта! Мана қаёқда экан гап. Биз унга чўнг бир муҳаббат ва ихлос билан кўз тикканимизда, у худди бирон «ножўя» иш қилиб қўйгандай, ҳижолат чекиб, пастга қаради.

Шу билан тарқалдик. Ўз хонамизга келганимизда, Воҳидий мендан қизиқсиниб сўради:

— Тўғрисини айтинг, акам, қаёқдан билдингиз, а?

— Кўзидан.

— Кўзидан?!

— Бу қийин эмас,— дедим бугун анча жиддий тортиб, худди бирон нарсани қойил қилиб қўйгансимон.— Бундай вақтда кўра оладиган кўз керак. Қарамайсизми, унинг бутун қиёфасида рўшнолик барқ уриб турибди. Юзидан нур ёғилади!

23 август куни турк биродарларимиз ватанларига қайтадиган бўлишибди. Эрталаб менинг бўлмамда Аҳмад Кот икковимиз учрашдик.

БУ ТЕЛБА КЎНГИЛ

— Сиз Каъбатуллога ҳаж қилишни истамайсизми? — дедилар ҳожи ҳазратлари гап орасида.

Мен ҳаяжонланиб кетдим. Бизнинг шароитимиз жудаям ўзига «хослиги», қанийди, агар имконият бўлса, камина Макка билан Мадинани зиёрат қилиш учун Саудияга пиёда боришга ҳам тайёр эканимни айтдим. Ахир, бу ҳар бир аҳли муслимнинг интиҳойи орзу-армони.

Хўрсиндим. Шу топда ҳожи Аҳмад кўзимга қип-қизил оловдай яшнаб, ялял ёниб, авлиёдай кўриниб кетди. Қаршимда маъсум улуғ бир инсон, ўзидай бошқа бир инсоннинг битмас-туганмас армонларидан изтироб чекиб, сукут сақлаб турарди. Маккани тавоф қилган бу одамнинг этагини ўпиб, таъзим қилгим келди. Нима қилсам экан? Кўнглимга ваҳийдан шундай бир иноят келдики: у билан биродарлашсам, ёдгорликчун бирон нарса совға қилсам. Аммо совға қилиб беришга арзигулик нима ҳам бор менда! Етти иқлимга донғи кетган шўро фуқароси бўлсам...

Чора ўйлаб турувдим, бирдан ёдимга тушди: чамадонимда мўъжазгина, бежирим ишланган Чуст пичоғи бор-ку! Дарҳол уни олиб суҳбатдошимга узатдим.

— Афсуски, ватандан узоқдаман. Ихтиёримда мана шу ашъёдан бўлак арзирли нарсам йўқ. Бу кичик Чуст пичоғини катта меҳр-муҳаббат нишонаси деб билгайсиз. Танишганимиздан бир хотира, ука.

— Айни муддао, — деди у ортиқча такаллуфсиз. — Бизда, Туркияда, сиз мусулмон биродарларимизнинг аҳволингизни тушунадилар. Ҳечқиси йўқ. Мен Сиз учун... ҳаж қиламан.

Анча кейин билсам таомил шундай: ҳажингизни гарданига олган кишига бирон нарса берилиши лозим экан.

Кўнгил кўнгилдан сув ичади, дейдилар. Ўз умримизда биринчи марта учрашиб турибмиз-у, худди минг йилдан буён бир-биримизни биладиган қадрдон оға-инилардай бўлиб қолдик. Аҳмадий зоҳиран вазмин, камгап, мулоҳазакор киши бўлса-да, суҳбатимиздан ғоят мутаассир эканлиги сезилиб турарди. «Сиз учун ҳаж қиламан», деди у. Бу гапни шунчалар табиий оҳангда айтдики, гўё бу унинг учун «шунчаки», «одатий» бир юмушдай.

— Қизиқ, бир киши бошқа бир киши учун ҳам ҳаж қилиши мумкинми? Билмас эканман.

— Ҳа, мумкин. Башарти бир мусулмон ҳаж қилиш имконига эга бўлмаса: оғир бетоб бўлса ёки мана Сизга ўхшаб, яшаб турган мамлакатидан расмий рухсат ололмаса. Ана шундай кезларда унинг учун бошқа бир киши ҳажни бажо келтиради. Мен бир марта ўзим учун ҳажга борганман. Ўтган йили Истанбулда фалаж бўлиб ётган табаррук бир инсон учун... Бу гал Сиз учун бораман. Огоҳ бўлинг: Сизнинг ҳажингиз — менинг гарданимда. Худо хоҳласа, ҳожи бадал бўласиз (бадал — эваз, айирбош; бадал бўлмоқ — алмашинмоқ дегани). Қачонки Макка зиёратидан қайтганимдан кейин ўзим хабар қиламан.

— Қандай қилиб?

— Кўнглингизга аён бўлади.

— ?

— Сиз мени шеригингизга «тушунтириб» беролмабсиз-ку. Дарҳақиқат, инсон қалби шундай бир сир ва мўъжиза манбаики, буни ҳамма вақт ҳам сўз билан тушунтириб бўлмайди. Сўздан ташқари сир-асрор ҳам кўп дунёда. Буни ҳамма ҳам билавермайди. Аммо Сиз биласиз. Дилингизда мўъжиза рўй беради. Ғойибона аён бўлади ҳаммаси...

Чуқур ўйга ботдим. Бу Аҳмад ҳожи мен ўйлагандан ҳам кўра пок ниятли, раҳмдил, табаррук инсон экан-ку. Хизр янглиғ.

Қучоқлашиб хайр-хўшлашар эканмиз, у яна илова қилди:

— Дарвоқе, мўъжиза содир бўлишидан ташқари, яна бир мужда етказаман.

— Туркиядан бизнинг томонларга хат-хабар у ёқда турсин, чегарадан чумчуқ ҳам учиб ўтолмайди!

— Биламан. Аммо «мужда» деганим хат ёки телеграмма эмас, балки шартли бир нарса бўлади. Уни ҳам фаҳм-фаросат билан уқиб оласиз, иншоолло.

ИЙМОН — ТИЙРАК, ГУМОН — КЎР

Мусулмончиликда «бир сўзлик», «аҳдга вафо», «лафз» деган муқаддас тушунчалар бор. Аттанг, кейинги вақтларда бизда бундай қадриятлар, баъзан «савоб», «гуноҳ», «увол», «ҳалол» ва «ҳарам» деган нарсалар ҳам барҳам топа бошлади.

Йўлак бўйлаб борар эканмиз, катта кўчанинг бу бетидан нариги бетига ўтишга қийналиб турган кўзи ожиз нотўғ кишига кўмаклашиб юбориш, уни кўчадан ўтказиб қўйиш ёдимизга ҳам келмайди.

Вақт зиқ!

Аслида: лоқайд ва бепарвомиз.

Йўқ, дин кетса кетсин, иймон кетмасин, дейдилар. Асл инсоний оқибатни унутишга маънавий ҳаққимиз йўқ. Ҳожи Аҳмадий билан менинг орамда сидқидил бўлиб ўтган гапнинг наинки рост, муқаррар эканлигига ҳеч қандай шубҳам йўқ эди.

Орадан бир йиллар ўтди. «Тиқ этса ҳам, «шиқ» этса ҳам қулоғим овда бўлди. Қанақа мўъжиза юз беркан, хабар (мужда) қачон келаркан деб кўз тутиб юрдим. Ҳожим ўз сўзининг устидан чиқишига шубҳам йўқ. Айни вақтда бирон-бир хабар ҳам келавермади. Буни машъум чегарага йўйиб ҳам кўрдим. Мамлакат қулфлоғлиқ!

Балким, иши чиқиб боролмай қолгандир?

Ё, астағфурилло, ўзи бетоб бўлиб қолдимикан?

РАНГЛИ ТУШ КУРГАНМИСИЗ?

Қўйингки, тезгузар, бевафо вақт оғушида гоҳ чукка, гоҳ пукка дегандай, бўлиб ўтган гаплар хаёлимдан ҳам кўтарилиб кетди. Шуниси борки, хосиятли бир туш кўрсангиз, бир неча муддат руҳингиз енгил тортиб, қушдай учиб юрганингиз сингари, узоқ вақтларгача кайфиятимда алланечук илҳомбахш бир ҳолат ҳукмрон бўлди.

Салкам уч йил деганда, саксон тўқизнинг ёзи эди, яхши кунларнинг бирида уйда ўтирар эканман, тўсатдан тобим айнади. Хос хонамга кириб, секин каравотга чўзилдим. Аммо оғриқ қучайгандан кучайиб борарди. Худди қоқ кўкрагимни, ўпкамни ўткир тиғ билан тилка-пора қилаётгандай. Бўғиламан. Шу пайт тўсатдан каравотдан пастга ағдарилиб тушдим. Ё, раббий, нималар бўлаяпти ўзи?

Қарасам, ногаҳоний ажал ёқамга ёпишиб турибди. Чидаёлмаганимдан, чўккалаб ўтириб, ўзимча «бадан тарбия» қилиб ҳам кўрдим. Қаёқда! Баттар бўла бошлади. Шунда сўнгги кучимни тўплаб, яраланган шер каби, ўрнимдан даст турдим-у, айвонга чиқдим, Чиқдим-у, ерга тағин гурс йиқилдим.

Дафъатан хаёлимга ва тилимга келган гап шу бўлди:

— Инфаркт! Ёрдам беринглар...

Шу-шу касалхонада беш ойга яқин ётиб қолдим. Лаънати фалокат ёлғиз юрмайди, дейишади. Орадан икки ярим ой ўтгач, иккинчи марта тағин инфаркт «ташриф» буюрди. Буёқда маккор «бой касалим»— қанд диабети бор эмасми, у ҳам бот-бот хабар олиб турибди.

Биламан, мўрт соғлигим тафсилотлари сиз учун ортиқча, азиз муштарий. Бусиз ҳам ҳаёт чароғон эмас. Бовужуд шуниси борким, дард кечаси хуруж қилади. Тунлари уйқу элитганда, кўзларинг беихтиёр юмилиб кетар экан, эрталаб кўзларимни яна очармиканман, деб ўйлайсан киши.

Дунё боумид...

Энди буёғини эшитинг. Шу кунларда, яъни қасалликнинг дастлабки ҳафтасида хаста руҳиятимда аллақандай фавқулодда ҳодисалар рўй бера бошлади.

Касалхонанинг ҳайҳотдай махсус (реанимация) бўлмасида ёлғиз ўзим ётаман. Тунлари кўзим илинди дегунча, руҳимда ғоят антиқа кечинмалар кезади. Асло билиб бўлмайди: ухлаяпманми ёки туш кўраяпманми? Ёрдаманми ёки арши аълода учиб юрибманми? Дарёи Нилда сузаяпманми ёки Саҳройи Кабирда ётибманми?

Бу не ҳол?

Хушимга келганимда, ўйлаб ўйимга етолмайман. Кўрпа-ёстиқ, ясси темир каравотни, аъзойи баданимни пайпаслаб кўраман денг. Ўзимманми? Қаердаман? Нима қилаяпман? Қаёққа кетаяпман? Гоҳида қўрққанимдан навбатчи ҳамшираларни чақираман.

— Ҳой, ким бор!..

Туш кўриш ўзи бир мўъжиза. Тушингизда осмони фалакка учиб кўрганмисиз? Мен болалик чоғларимда кўп учардим. О, роҳат!.. Аммо ҳозирги (ўша вақтдаги деб тушунасиз) ҳолатни тушга йўйиш ҳам қийин. Хушёрлик билан тушнинг ораси бир энлик масофа. Ана шу «майдонда» маскан қурганман. Билмайманки, хушёрлик қаёрда тугайди-ю, туш қаердан бошланади... Ёки аксинча.

Бу ҳолатнинг ҳайратомуз томони фақат шунда эмас. Не ажабки: кечаётган барча воқеалар (ёки туш)... рангли тасвирда воқеа бўлаётганди! Бамисоли, айтайлик, оқ-қора рангда кўрсатувчи телевизор билан рангли телевизор тасвири бир-биридан нечоғлиқ тафовут қилса, меҳнинг кўз ўнгимда ёки шуурим да гавдаланаётган манзаралар ҳам одатдаги тушдан шунчалик фарқ қилар эди.

Давоми бор.

(Боши газетамизнинг ўтган сонида).

Янгилаш даври, янгиланиш даври

МИЛЛИЙ МАКТАБ—ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТ

Сўнгги пайтларда бир қатор мактаблар, олий ва ўрта педагогика ўқув юртлари, маҳаллалар кенгашларида ўзбек миллий мактабларини яратиш масаласи тез-тез кун тартибига қўйила бошлади. Бундай мактабларни яратиш йўлига кирган жамоалар ҳам кўпаймоқда, матбуотда ҳам мазкур муаммога бағишланган чиқишларнинг сони ортиб бормоқда. Миллий мактаб муаммолари бўйича илмий-педагогик жамоатчилик марказининг ташкил топиши ҳам жумҳуриятимизда масалани ҳал қилишда ижобий роль ўйнамоқда.

Миллий мактаб масаласи кўтарилганидан буён ўтган даврда нимага эришилди-ю, нималар муаммолигича қолмоқда, муаммоларнинг ечилмай қолаётганлиги сабаблари нимада? Шу муносабат билан мухбиримиз педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири, миллий мактаб муаммолари илмий-педагогик жамоатчилик марказининг раиси Раҳим Ҳасановга мурожаат этиб, ундан бир қатор саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

— Янглишмасам, рўзномамизда илк бор «Мактабга миллий асос керак» номли мақола билан чиққанингизга ҳам яқинда уч йил бўлади. Ушанда мақолангиз анчагина шовшуага сабаб бўлган эди. Шу кунгача бу масалада нима ўзгарди-ю, нималар муаммолигича қолмоқда, умуман ғояга муносабат қандай кечяпти?

— Назаримда, кўтарилган масалага муносабат ижобий. Уни деярли ҳамма қўллаб-қувватламоқда. Ахир бу ерда гап ўзбек халқининг урф-одатлари, анъаналари, ахлоқ нормаларини, миллий қиёфасини тиклаш, болаларда ва халқимизда миллий ғурурни шакллантириш, ўз-ўзини англаш, ўз халқи ва унинг келажагига жавобгар бўлган ва бу жавобгарлигини ҳис этувчи ватанпарварларни етиштиришга кўмаклашувчи ёшларни шакллантириш, мактабларда таълим мазмунини тез ва осон ўзлаштириш, ўзбек халқининг дунё маданиятида ўз ўрнини топишига шароит яратиш ва пировард натижада унинг бирлигини таъминлаш ва жумҳурият иқтисодини яхшилаш ҳақида кетяпти-да. Шунга қарамасдан аксарият мутахассисларимиз орасида масалага қандайдир лоқайдлик, ишончсизлик, бефарқлик яққол сезилмоқда. Миллий ўзбек мактабини яратиш мамлакатимиз келажагини белгилаб берувчи асосий омил эканлигини тушуниш наҳотки шунчалик қийин бўлса. Шундай бўлса-да, баъзибир миллатпарвар ва ижодкор мутахассисларимиз бу масалада баҳоли қудрат маълум ишларни олиб бормоқдалар ва бунинг дастлабки ютуқлари кўзга ташланмоқда. Шу йили Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги миллий мактаблар яратиш масаласида фаоллар йиғилишини ўтказди. Т. Н. Қори-Ниёзий номли педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти 1991—95 йилги режали ишини тўла-тўкис миллий мактабларнинг муаммоларини ҳал қилишга қаратди. Аспирантлар ҳам, тадқиқотчилар ҳам шу йўналишда иш олиб бормоқдалар. Бу даргоҳда миллий мактабга қўйиладиган талаблар асосида концепциялар, дастур ва дарсликлар, илмий-методик ишлар тайёрлаш тезкорлик билан олиб борилмоқда. Шунингдек, Тошкентда миллий мактаб муаммолари бўйича илмий-педагогик жамоатчилик марказини тузилди. Самарқандда унинг филиали ҳам ташкил топди. Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида миллий мактаб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-педагогик марказ ташкил этилди. Бу ерда мазкур масалага қаратилган илмий-амалий анжуман ҳам бўлиб ўтди.

Жумҳуриятимизнинг бир қатор мактабларида ҳам шу йўналишда иш олиб борилмоқда. Хусусан, Бухоро вилоятининг Ғиждувон районидаги 4-мактаб, Сирдарё вилояти Гулистон районидаги 17, Ангрендаги 5, Тошкент шаҳридаги 106, 129, 254, 214- мактаблар шулар жумласидандир.

— Сиз гап орасида миллий ўзбек мактабининг мақсади янги ўзбек боласини шакллантириш деб айтдингиз. Шу фикрингизни бироз изоҳлаб берсангиз.

— Яқинда миллий мактаб муаммолари бўйича илмий-педагогик жамоатчилик марказининг йиғилишида «Миллий ўзбек мактаби ўқувчисининг сиймоси (ички ва ташқи) қандай бўлиши лозим?» номли мавзуда мунозара ташкил этдик. Олиб борилган кенг мунозарадан маълум бўлдики, янги ўзбек боласи ўзида юздан ортиқ сифатларни мужассамлаштириши лозим экан. Миллий ғурури кучли, ўз халқи ва Ватани учун жонини ҳам аямайдиган ватанпарвар, ҳалол, имонли ва эътиқодли, юксак одоб ва маданият соҳиби, меҳнатсевар ва чуқур билимли, ишбилармон, мустақил ва ижодий фикр юритувчи, ташаббускор бўлиш сингари хусусиятлар шулар жумласидандир.

— Менимча, жойларда миллий мактабларга қизиқиш катта, лекин мактаб жамоалари ишни нимадан бошлаш кераклигини билишмайди. Бу ҳақда нима дея оласиз?

— Жуда тўғри гапирдингиз. Бу масаланинг бир томони, унинг иккинчи томони ҳам бор. У мутахассисларимизни юқоридан кўрсатма кутиб ўтиришга ўрганиб қолишганлигида. Яқинда Самарқанд дорилфунунининг бир домласи Жума қишлоғидаги мактабга бориб, мактаб директорига: келинг, мактабингизда бир янгилик қилиб, уни миллий асосда қайта қурайлик деса, у шу ҳақда Тошкентдан бир хат келтиринг, деб эътироз билдирган. Бу касаллик халқимиз бошига тушган оғир кулфат. Мутахассисларимизнинг асосий қисмини, афсуски, ана шундай «роботлар» ташкил этади. Шу вақтгача мавжуд тоталитар тузум халқни шу аҳволга солиб қўйган. Ёт деса ётади, тур деса туради. Назаримда, ҳали ҳам бу тузумнинг таъсири анча вақтгача давом этса керак. Ваҳоланки, жумҳуриятимизнинг мустақиллиги халқ таълимининг ҳам ҳамма жабҳаларига эркинлик, мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик, демократия эшикларини кенг очиб берди. Ишни нимадан бошлаш ҳақида тўхталадиган бўлсак, мактаб педагогика кенгашига мазкур масалани қўйиш ва уни кенг муҳокама этишдан бошланса, яхши бўларди. Яна шуни ҳам қайд этмоқчиманки, миллий мактаб яратиш анча мураккаб ва анча вақтни талаб этадиган жараёндир.

Агарда кимда-ким миллий мактабларнинг ҳамма принципларини бирданига амалга ошириш мумкин деса, катта хато қилади. Бунинг учун миллий меъморчилик услуби, Ўзбекистоннинг иқлим шароитини ва халқимизнинг турмуш тарзини ҳисобга олган бинолар қурилиши, қиз ва ўғил болалар таълими ҳамда тарбиясига алоҳида-алоҳида аҳамият бериш, бунинг учун ҳамма шароитлар яратилиши, жами ўқув дастурлари ва дарсликларининг қайтадан ишлаб чиқилиши ва нашр этилиши, миллий тарбия бўйича дастур ва методик қўлланмалар яратилиши, мактаб ўқувчилари учун ҳам миллий, ҳам замонавий хусусиятларни акс эттирувчи мактаб формалари, ўқув режаларига илоҳиёт дарсларини киритиб, мактаб билан исломнинг ҳамкорлигини ўрнатиш керак бўлади. Ҳозир фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва тарбиячилар миллий мактаб талаблари асосида қайта тайёрловдан ўтказилиши лозим. Афсуски, бундай кенг кўламдаги ишни олиб боришга ҳозирча имкон йўқ. Шунинг учун ҳар бир мактаб жамоаси ўзини у ёки бу йўналишдаги имкониятларидан келиб чиққан ҳолда миллий мактаб яратиш борасида дастлабки чора-тадбирларни амалга ошириши мумкин. Хусусан, ҳозирги кунда бир мактабда ўғил ва қиз болалар таълими ҳамда тарбияси алоҳида-алоҳида олиб борилмоқда, бошқа мактабда таълим жараёнида ўзбек ва шарқ алломаларининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш яхши йўлга қўйилган. Яна бошқасида меросимизни кенг кўламда ўрганишга эътибор кучайган. Шундай мактаблар ҳам борки, уларда тарбия борасида мактаб билан руҳонийларнинг ҳамкорлиги ўрнатилган.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, мактабларимизда эркак ўқитувчилар сони ниҳоятда камлиги катта муаммолардан бири бўлиб турибди ва у бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Биринчидан, мактабда эркакларга хос қаттиққўллиқнинг етишмаслиги натижасида тартиб-интизомнинг бўшашиб кетиши, аёлларни болалар томонидан менсилмаслиги, иккинчидан, ўғил болаларга хос хусусиятларнинг етишмаслиги сезиляпти.

— Миллий мактабларни жорий этишда олий ва ўрта педагогика ўқув юртларининг роли ҳақида нима дейсиз?

— Миллий мактабларни яратадиганлар асосан мана шу ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшлардир. Бизнинг улардан умидимиз катта. Лекин миллий мактаб масаласи кўтарилганига уч йилча бўлиб қолган бўлса-да, педагогика ўқув юртларидаги катта домлаларимиз ломмим демай, эски «дийдиё»ларини ўқишдан нарига ўтолмаяптилар. Фақатгина Тошкент давлат педагогика институтида миллий мактаблар масаласида илмий-педагогик марказ очилди. Миллий мактаблар талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаяпти.

— Сизнинг ташаббусингиз билан миллий мактаб муаммолари бўйича муваққат илмий-педагогик жамоатчилик маркази тузилди. Бунга ҳам, чамамда, ярим йилча бўлди. У қандай ишларни амалга оширди?

— Ҳозир марказнинг элликдан ортиқ аъзолари бор. Унинг аъзолари орасида фан докторлари, номзодлари кўпчиликни ташкил этади. Илмий-методик марказда малака ошириш институтларининг ходимлари, район халқ таълими бўлимлари ва мактаб раҳбарлари, оддий тарбиячи ва ўқитувчилар бор.

Марказ аъзолари бир ойда бир марта йиғилишиб туришади. Ўтган тўрт йиғилишда ўзбек миллий мактабларини яратишнинг методологик асослари, миллий мактаблар яратишнинг ташкилий ва методик масалалари, миллий мактаб ўқувчисининг сиймоси, миллий мактаблар яратиш борасида тўпланган баъзи бир тажрибалар муҳокама этилди.

Ҳозир миллий мактаб яратиш йўлига кирган амалиётчиларимиз учун жамоатчилик маркази аъзолари бир қатор дастур ва методик тавсиялар ишлаб чиқишди. Булар орасида М. Қуроновнинг «Мактаб ва миллий тарбия муаммолари», Т. Усмонхўжаев ва М. Раҳимовларнинг «Жисмоний тарбия машғулотларини миллийлаштириш», А. Сулаймоновнинг «Мўъжаз санъат», С. Дўстов ва Д. Рўзиевларнинг «Мактабда ўқувчиларнинг миллий мусиқа дастасини ташкил этиш», каминанинг «Тасвирий санъат», О. Худоёровнинг «Миллий каштачилик санъати», С. Раҳмоновнинг «Таълим-тарбияда ўзбек халқининг урф-одатлари ва анъаналаридан фойдаланиш» каби ишлари бор. Буларнинг бир қисми нашр этилди, қолганлари нашр этиш арафасида. Назаримизда, миллий мактаблар яратиш тараддудида юрган жамоалар, айниқса амалиётчиларимиз, кўпгина методик ёрдамларга муҳтождирлар.

— Мана, жумҳуриятимизда миллий ўзбек мактаби демасдан, ўзбек мактаби деб қўя қолсак бўлмайдими деган фикрлар бор. Бу ҳақда нима дейсиз?

— Бу фикрда жон бор. Бироқ биз мактабларимизни 70 йилдан ортиқ давр мобайнида ўзбек мактаби деб келдик. Лекин у миллий бўлмади. Ҳозирги ва келажак мактабларимизнинг совет ўзбек мактабларимиздан фарқи ҳам унинг миллийлигида бўлиши лозим. Миллий ўзбек мактабини яратиш учун курашаётганлигимиз унинг номидан ҳам билиниб турсин, акс ҳолда мактабларимиз таълим ва тарбия мазмунида кескин ўзгариш ясай олмаймиз. Биз ҳозир янги мактаблар яратиш, мактаблар ишини тубдан қайта қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, кўз ўнгимизда идеал мактаб модели, келажак мактаби, ўзбек халқининг миллий анъаналари, урф-одатлари, педагогик ғоялари ва халқ педагогикаси, маҳаллий материал-лар ва шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, буларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштирган янги миллий мактаблар туриши лозим.

Шуни ҳам қайд қилмоқчиманки, миллий ўзбек мактабини яратишда орқага йўл йўқ. Акс ҳолда ўзбек халқининг бошига тушган оғир кулфат ахлоқсизлик, беҳаёлик, қабиҳлик, чеки йўқ ифлосликлар авжига чиқади. Ҳозирда собиқ иттифоқдаги ҳамма жумҳуриятлар ўз миллий мактабларини яратмоқдалар. Ҳаттоки Россия ҳам ўз миллий ўрис мактаблари концепцияларини яратишга киришди. Туркияда эса Таълим вазирлиги миллийликка урғу бериш мақсадида Туркия миллий таълим вазирлиги деб номланади.

— Мактабларда диний таълим тарихини ўргатиш тўғрисида фикрингиз қандай?

— Ўзбекистон Республикаси байроғида ой тасвири бор. Шундай экан, биз мустақил Ўзбекистон мамлакати бўлиб қоламиз. Бундан ташқари, етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида партия болаларни коммунистик руҳда тарбиялашга ҳаракат қилди. Коммунистик ғояларнинг кўпчилиги ёмон ғоялар эмас эди. Лекин партия тарбияни динсиз шакллантиришга ҳаракат қилиб, катта хатога йўл қўйди. Ана шу катта хато сабабли халқимиз қисқа тарихий бир давр ичида ахлоқий тубанликка юз тутди. Ахлоқ ва дин ажралмасдир. Дин доимо кишиларни ҳалолликка, одамийликка, инсоф ва диёнатга, имон ва эътиқодли бўлишга ундайди.

— Анъанавий ва охирги савол. Миллий мактаб юзасидан сизнинг истагингиз.

— Биринчидан, миллий мактабларни яратишнинг ижтимоий зарурат эканлигини ҳамма англаб етишини хоҳлар эдим. Яна бир истагим: халқ таълими, жумладан, миллий ўзбек мактабини яратиш—бутун халқнинг иши. Бу масалага лоқайд қараб бўлмайди. Энг муҳими, болалар таълим ва тарбиясига халқ таълими ходимлари билан бир қаторда бу ишга масъул бўлган бошқа вазирликлар (Маданият, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш), давлат қўмиталари (Матбуот, Физкультура ва спорт), телерадиокомпания, жамоат ташкилотлари ва ижодий уюшмалар бирваракайига киришишлари ҳамда ҳамкорликда иш олиб боришларини хоҳлардим.

Хуллас, мактаб иши сўзда эмас, амалда умумхалқ иши, давлат иши бўлиб қолиши. Бунинг учун саховат ва жонбозлик кўрсатилишини истардим.

Суҳбатдош

Ғ. МАННОПОВ.

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

«ҚАЛБ ГУЛШАНИ»НИ ИЗЛАЙМИЗ

Ҳой, одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар. Жумҳурият китоб савдоси ташкилотлари ўзларининг айбларини бизга тўнкамоқдалар. Иқтисодий танглик муносабати билан биз умуман китоб сотиб олмас, ўқимас эмишмиз. Шу далилсиз важ-карсон туфайли улар халқни, айниқса, халқ таълими ходимларини, мактаб ўқувчиларини тарбиявий аҳамиятга эга бўлган китоблардан, қўшимча ўқув қўлланмаларидан маҳрум қилмоқдалар. Шу фикримга битта мисол келтираман.

Бу йил истеъдодли шоир, олим, ва мураббий Сафо Очилнинг «Ўқитувчи» нашриётида «Қалб гулшани» деган насрий асари нашр қилинди. Бу асар уч китобдан иборат бўлиб, биринчисига адибнинг 35 йиллик ижодий фаолияти давомида турмуш элагида эланиб сараланган тафаккур дурдоналари, афоризмлари жамланган.

Иккинчи китоб «Ёднома» деб номланган, унда эндигина туғилган гўдакнинг тарбия муҳити, ўсиш шарт-шароитлари, мавжуд тузумнинг унинг ҳаёти ва ижодига таъсири, ҳаёт ва турмуш қийинчиликлари, азоб-уқубатларидан руҳан чўкмай, у билан ҳайиқмай олишуви, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун кураш йўллари бадиий тил орқали тасвирланади.

Учинчи китоб — «Бир ҳовуч нур» — жумҳуриятимиз тарбиячи ва ўқитувчилари ҳаётининг ёрқин кўзгусидир. Унга кирган публицистик мақолаларда олий ва ўрта таълим муаммолари, қилиниши лозим бўлган ишлар, халқ таълими ходимларининг фидойилиги, шунингдек, уларнинг қийинчиликлар олдида тиз чўкмаслиги бадиий-тарбиявий ифодасини топган.

Хуллас, «Қалб гулшани» китобини болалар боғчаларидан тортиб то олий ўқув юртлари талабалари учун ибрат бўладиган инсонпарварлик туйғуларига йўғрилган фикр гавҳарлари безаб турибди. У мактаб ўқитувчиларининг тарбиявий соатлари ҳамда «Одобнома» дарслари учун муҳим қўлланма вазифасини ўташи табиийдир. Шундай биз учун зарурий асар ўн минг нусхада чоп этилибди. Уни китоб дўконларидан топиш амри маҳол: «Қалб гулшани» аллақачон «талаб» кетилган.

Умидимиз чироғи бўлмиш «Ўқитувчи» нашриёти раҳбариятидан «Қалб гулшани» китобини оммавий тиражда қайта чоп этишни сўраймиз.

Қ. ЮСУПОВА,
ўқитувчи.

МУШТАРИЙ ТАКЛИФИ

Муштарийлар билан газета ходимларининг ҳар бир учрашуви вақтли матбуот мундарижасини бойитишга, ютуқ ва камчиликларни англаб олишга, янги-янги ижодий режаларни амалга оширишга имкон беради. Шунинг учун ҳам «Маърифат» таҳририяти ходимлари педагогик омма билан очиқ мулоқотлар ўтказишни анъанага айлантирганлар. Ана шундай учрашувлардан бири ўтган чоршанба куни А. Авлоний номидаги Педагогик ходимлар малакасини ошириш марказий институти тингловчилари билан бўлиб ўтди.

Ўзбек тили тўғрисидаги Қонунни амалга оширишда «Маърифат» газетасининг ҳам ўзига хос катта тарғиботчилик ишлари борлигини ҳисобга олган институт ходимлари ўзлари ташкил этган Тил байрамига мазкур газета ходимларини таклиф қилдилар. Бундан мақсад, қалам соҳиблари билан учрашиб, севимли рўзноманинг янги-янги режалари билан танишиш, педагогларни тўлқинлантираётган масалалар ҳақида фикрлашиб олиш, газета таҳририятига бир қатор таклиф ва истакларни билдириш эди.

Учрашувни институт ректори Ғайрат Шоумаров қисқача кириш нутқи билан очиб, «Маърифат» газетаси ходимлари билан курс тингловчиларининг анъанавий учрашувлари катта аҳамият касб этаётганлигини таъкидлади. Шундан сўнг сўз «Маърифат» газетаси таҳририят ҳайъатининг аъзолари М. Раҳмонов ҳамда М. Қўчқоровларга берилди. Улар учрашувга йиғилган малака ошириш курсларининг тингловчилари — республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган педагог ходимларни давлат тили тўғрисида Қонун қабул қилинган куннинг уч йиллик байрами билан қизғин қутладилар, Қонунни амалга оширишда «Маърифат» газетасининг кенг кўламлик тарғиботчилик ишлари, газетанинг кейинги йилларда мундарижаси бойиб бораётганлиги, муштарийлар талаб ва истакларини ҳисобга олган ҳолда қизиқарли ва таъсирчан долзарб мавзулар ёритилаётганлиги, янги йилдаги таҳририят амалга оширадиган режалар хусусида батафсил сўзлаб бердилар. Учрашув қатнашчиларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб берилди.

ГАЗЕТХОН ВА БИЗ

Учрашувда сўзга чиққан Самарқанд вилояти Ургут районидаги ўрта мактаб ўқитувчиси Муҳаммади Расулов шундай деди:

— «Маърифат» биз педагоглар учун ўзига хос билим зиёсини таратаётган севимли газетадир. У хилма-хил мақолалар, очерклар, хабарлар билан республикамиз халқ таълими ҳаётидаги янгиликларни кўрсатибгина қолмай, айни пайтда муаллимлар, тарбиячиларга ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Шу билан биргаликда бизнинг истагимиз севимли газетамиз методик мақолаларни, айниқса, жойлардаги янгича усулларда ишлаётган педагогик ходимларнинг оммалаштиришга арзийдиган иш тажрибаларини тез-тез таҳлилий ёритиб турса. Негадир кейинги пайтда «Ўқитувчига ёрдам» рукни остидаги материаллар газета саҳифаларидан камдан-кам жой оляпти.

Институт социология ва халқ таълими иқтисоди кафедрасининг мудири Аҳрор Убайдуллаев газета барча зиёлилар учун тегишли материалларни батафсил ёритаётганини, кўпгина мақолаларнинг таъсирчанлиги ошаётганлигини уқтириб ўтди. Шунингдек, нотиқ рўзномада мавзу жиҳатдан бир-бирини қайтарадиган материаллар ҳам берилаётганлигини танқид қилиб, ўзининг бир қатор таклиф-истакларини билдирди.

Учрашувда сўзга чиққан бешариқлик, чустлик, ғузорлик, жомбойлик муштарий педагоглар ҳам ўз таклиф-истакларини айтишди. Хусусан, газета мактаблардаги физкультура ва спорт масалаларига жиддий эътибор бериши, жаҳон мамлакатлари халқ таълими тизимидаги тажрибаларни янада изчилроқ ёритиб бориши лозимлигини қайд этдилар.

Қизғин баҳслашув ва фикр алмашишга бой бўлган бу учрашувдан сўнг институт курслари тингловчиларининг давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинганлигининг уч йиллигига бағишланган байрам кечаси бўлди. Кечага тингловчилар алоҳида тайёрлаган кўрганликлари, ўзбек тилининг бой имкониятларини тараннум этувчи саҳнавий кўринишларда ҳам, Урганч шаҳридаги Огаҳий номли мактаб-мадраса (лицей) ўқитувчиси Зумрад Қобулова олиб борган байрам кечаси тартибида ҳам яққол намоён бўлди. Тошкент вилояти Чиноз районидаги 1-мактаб ўқитувчиси М. Шарипов ижро этган монологлар, хоразмлик муаллимлар — Д. Машарипова, А. Раҳимовлар лапарлар, умуман, курс тингловчилари тайёрлаган қўшиқлар, рақслар, айтишувлар — ҳамма-ҳаммаси кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Мухбирларимиз.

БОҒЧА-ПРОФИЛАКТОРИЙ

Кейинги вақтларда қўшни Олмалиқ шаҳридаги баъзи корхоналарнинг ҳавога чиқариб юбораётган турли заҳарли газларидан Пискентда экологик аҳвол мувозанати бир қадар бузилиб бормоқда. Буни алоҳида ҳисобга олган район ҳокимияти кишилар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида астойдил қайғурмоқда. Айниқса, болалар саломатлигини сақлаш, улар ўртасидаги турли касалликларнинг олдини олиш кун тартибидаги асосий масала бўлиб турибди. «Бойчечак» номли 2-болалар боғчаси ана шу мақсадда ташкил этилган. У райондаги бошқа болалар масканларидан бутунлай ажралиб туради, яъни профилакторий ҳисобланади. Бу ерга асосан сариқ касали билан оғриган болалар дастлабки муолажадан сўнг қатнай бошлайдилар. Улар малакали тарбиячи ва шифокорлар назорати остида олти ойдан бир йилгача мазкур ихтисослаштирилган масканда парҳез даврни ўтайдилар.

Боғча-профилакторийни тажрибали педагог Ҳалима Исомова бошқариб келаётир. У тарбия ва даво масканида белгиланган тартиб ва тадбирлар ўз вақтида бўлишига, болалар саломатлигининг мустаҳкамланишига асосий эътиборни қаратиб келмоқда.

Суратқаш Р. РАХИМУЛИН.

Мактабгача тарбия муассасаларида

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА...

Ҳозирги даврда руҳиятимизда жиддий ўзгаришлар рўй бериб, халқимизнинг азалий удумлари яна пайдо бўлмоқда. Элимиз азалдан хушхулқ, одобли, билимли кишиларни эъзозлаб келган. Бу борада, айниқса, устоз саналмиш ўқитувчиларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳам фарз, ҳам қарз эканлиги ёшларга қайта-қайта уқтирилади.

Бутун умрини халқ таълимига бахшида қилган, эндиликда кексалик гаштини сураётган устоз-ўқитувчилар Учқўрғон районида ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Улар ҳозир муаллимлар сафида ишламаётган бўлсалар-да, район халқ таълими бўлими уларни назардан четда қолдирмайди. Устозларни вақти-вақти билан йўқлаб туриш, байрам ва бошқа маросимларга таклиф қилиш одат тусига кирган.

Яқинда райондаги 17-ўрта мактабга таклиф этилган 200 нафардан ортиқ устоз-ўқитувчи ўзларига кўрсатилаётган иззат-икромдан беҳад хурсанд бўлдилар. Байрамона безатилган тўкин дастурхон атрофида қурилган суҳбат жуда мароқли бўлди.

С. ҚАМБАРОВ.
Наманган вилояти.

ХУДДИ ЎЗ УЙИДАГИДЕК...

Болалар боғча-яслилари фаолиятини жонлантирмасдан туриб, ёш авлод тарбиясини замонавий босқичга кўтариш мумкин эмас. Чунки мактаблардаги пухта таълим-тарбия заминини яратишда онлалар билан бир қаторда боғчалар ҳам катта ўрин тутади, албатта.

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий қисмида жойлашган Тўрткўл шаҳрида бу борадаги ишлар, айниқса, диққатга сазовордир. Негаки, шаҳар бўйича болаларни боғчаларга жойлаштириш муаммоси тўла ҳал қилинган. Шаҳарда 15 та боғча-ясли мавжуд бўлиб, уларга 2500 болакай тортилган. 17 та хонадонда оилавий боғча ташкил қилиниб, уларда 160 нафар бола тарбия топмоқда.

Шуни айтиш керакки, оилавий боғчалар аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини бажаришда асқотмоқда. Чунки оилавий боғчаларнинг ўзларига яраша афзал томонлари бор: аввало, оила муҳитига яқин бўлади. Бу эса энг муҳим хусусиятдир, ахир болалар ўзларини худди ўз уйидагидек ҳис қилишади. Ҳар гурухда 6—7 нафар бола бўлганлиги учун улар билан тарбиявий иш олиб бориш анча қулай.

Маълумки, миллий тарбия, энг аввало, уйдан бошланади. Шу жиҳатдан ёндашганимизда ҳам, оилавий боғчаларнинг афзалликлари яққол кўзга ташланади. Оилавий боғчалар барча қулайликларга эга шахсий уй-жойларда жойлашган бўлиб, ҳар бир гуруҳ учун 2—3 хона тўғри келади. Ёзги ва қишки машғулот, ўйин ўринларининг мавжудлиги ҳам ҳисобга олинган. Бу ердаги иш режими асосан одатдаги болалар боғчасидагидай. Педагогик ва тиббий маълумотга эга, болаларни жон-дилидан севган мураббиялар ишлашади.

Болаларнинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш учун ҳар хил қизиқарли машғулотлар ўтказилади. Уларни, айниқса, жисмонан чиниқтиришга, одоб ва ахлоқли қилиб тарбиялашга катта аҳамият берилади. Ота-оналар билан яқиндан ўрнатилган алоқа бундай тарбия масканлари фаолиятини мазмунли, сержавқ қилишга кўмаклашмоқда.

М. Сеитназарова, М. Ёқубова, А. Худойберганова, Д. Аҳмедова, З. Сейтимбетова, Х. Сафарова каби тарбиячилар ўзларининг намунали ишлари билан оилавий боғчаларнинг аҳоли ўртасидаги мавқеини, обрўйини кўтаришга ҳисса қўшмоқдалар. Шу боисдан ҳам кўпгина ота-оналар ўз кичкинтой фарзандларини ушбу тарбиячилар қўлига топширишга ҳаракат қилишади.

Оилавий боғчалардаги ҳар хил тўгараклар фаолияти миллий анъаналарни ривожлантиришга, касб-кор ҳақидаги дастлабки тушунчаларни болалар онгига сингдиришга йўналтирилган.

Шаҳар халқ таълими бўлими (мудираси О. Федулеева) оилавий боғчаларга зарур амалий ва методик ёрдам кўрсатмоқда, уларнинг тармоғини янада кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Ғ. ЕҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

РЕСПУБЛИКА ИЖОДКОР УҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ 1-АДАБИЙ АНЖУМАНИ ЎЗ ИШИНИ ТУГАТДИ. ИҚТИДОРЛИ КАСБДОШЛАРИМИЗНИНГ ИЖОДИГА РАВНАҚ ТИЛАЙМИЗ.

ИШОНГИНГ КЕЛАДИ

Тирикчилик даҳмазалари дилимизни кундан-кунга хуфтон этаяпти. Ташвишлардан асабларимиз таранг, бошимиз гаранг. Эртага нима бўлар экан, деган хавотир қуршовида яшаяпмиз. Лекин, «одам умидга ўралган эт», деган экан бир шоир. Шу боисдир таҳликага тўла кунларимизда ҳам қалбимизнинг қайсидир пўчмоқларидаги ёруғ туйғулар бизга тасалли бераяпти. Толиққан руҳимизга юпанч, суянчиқ бўлаяпти. Бошбошдоқлик безиллатган айни кунларда ҳам, эҳтимол, шу мадад мавжудлиги туфайлидир, кечинмаларимиз шеър бўлиб туғиляпти, кўрган-кечирганларимиз, ташвиш-ўйларимиз оқ қоғозни-да таъсирлантираяпти.

Халқ таълими вазирлиги билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда ўтказган ижодкор ўқитувчи ва тарбиячилар республика 1-анжумани ҳали адабиётнинг қадри баландлигини, ижодга интилиш сусаймаганлигини яна бир карра тасдиқлади. Албатта, қадимдан ҳам мураббийларимиз — ижодкор, ижодкорларимиз — мураббий бўлишган. Авлоний, Ҳамза, Айний ва Шайхзодалар муаллим сифатида ҳам фахримиз бўлишган. Ижодкор мураббийларимиз китобларда битилганларнинг қироатгўйи эмас, ҳаётдаги ўзгариш, янгиланишларни тадқиқотчи-тарғиботчиси сифатида обрў қозонишган. Элнинг дилидаги, тили учидаги гапни, дардини топиб айтишган.

Табиий, ҳиссиётлар қуруқшаган шу кунларда шеър ёки ҳикоя билан бировни ҳайратлантириш мушкул. Шу боисдан мураббийларимиз ижодида ҳам даҳоликка даъвогарлик йўқ. Уларнинг шеър, ҳикоялари содда, ўқимишли, бир кўз югуришдаёқ осонгина тушунилади. Бироқ бу машқларда кузатувчанлик, ижодкорларга хос топқирлик билиниб туради.

Қуйида уларнинг ижодларидан намуналар ўқийсиз.

Шароф РАШИДОВ ёди

...Воажаб, тириклик ўзи қизиқдир,
Гоҳида ҳуррамлик, гоҳо тазйиқдир,
Ҳали ўзлигини топмаган дунё —
Асрори гоҳо соз гоҳо бузуқдир.

Шундай улуғ зотни хор этган дамлар,
Сезмадик ўзбекнинг хор бўлганини.
Дилларни тарк этди турфа қасамлар,
Сезмадик оқибат зор бўлганини.

Муқобил эмаскан биз кутган имдод,
Сезмайин бош бурдик савоб ишлардан.
Марҳумнинг ёдлари кўтарди фарёд,
Аччиқ фиғон чиқди қабр тошлардан.

Сезмадик барисин, ёдидан кечиб,
Оқни қора дедик, қорани гумроҳ.
Мажруҳ тирикликнинг талх майин ичиб,
Топтадик ўзбекнинг шаънини, эвоҳ!

Эй кўнглим ярасин ситмаган дунё,
Айтмоққа тилим лол асрорларингни.
Ниҳоят ўзлигин англаган зиё,
Ўзинг асра энди аброрларингни!

Холбиби ЭРГАШЕВА,
Сурхондарё вилояти Денов райони, 10-мактаб.

СУРАТДА: анжуман залида.
А. АКМАЛОВ тасвирга туширган.

УЛУҒБЕК

Ҳақиқат топмайин Ердан бир умр,
Фалакка кўз тикдим, жавобсиз қолди.
Жаллод қиличида чақнаб кетди нур,
Ва... мени юлдузлар бағрига олди.
Самодан Заминга кўз ташлаб ҳамон,
Авлодим! Дардингга бўламан шерик.
Падаркуш ўғиллар ҳалиям омон,
Амири Жондорлар ҳалиям тирик!..

* * *

Умр — дарё эмас,
У — отилган ўқ!
Ёшлик —
шиддат билан
учаётган он.
Нишонга тегмаслик
гуноҳ эмас, йўқ
Йўлда қолиб кетиш —
Энг
Катта Армон!..

ЁР МУҲАММАД.
Жомбой райони,
34-мактаб.

ЧИН ДЎСТ

Пиқ-пиқ йиғлар
Халилжон,
Такрор сўрар Жалилжон:
— Кўзинг тўла жиққа ёш,
Сени урди қай бебош?
— Дўстим Зафар
Қоқилиб,
Ерга тушди
Йиқилиб.
Жони оғриб йиғлади,
Ойисини эслади.
Раҳмим келиб
Дўстимга,
Ёш келди-да
Кўзимга...

МАҚТАНЧОҚ СУВ

— Биқир-биқир човгумда
Қайнайман.
Овозимдан шодланиб
Яйрайман.
Шўхлигимдан човгумча
Зириллар,
Қопқоқчаси кучимдан
Дириллар...
Қиқирлашиб човгум, олов
Кулишар.
Мақтанчоқ сувни эса
Билишар:
— Сен човгумда турибсан қилқиллаб.
Ёнаяпман остингда
Милтиллаб.
Меҳримнинг ҳароратн бўлмаса,
Оқ човгум ўз бағрига олмаса,
Бир ўзинг қайнармидинг
Шақирлаб?
Ўзингни мақтармидинг
Вақирлаб?!

Асом ЗИЁМАТОВ.
Тошкент вилояти Паркент райони,
Муқимий номидаги 11-мактаб.

АНЖУМАНДА АЙТИЛГАН ФИКРЛАР

Меҳринисо АБДУРАҲМОНОВА (Жиззах вилояти): — Адабиёт дарсликлари қайта ва қайта кўриб чиқишга, таҳрир ва қатъий талабга муҳтож. Чунки уларда эълон қилинган асарларнинг кўпинча савияси паст. Қофиясиз шеърлар, мақсадсиз насрий асарлар қалашиб ётибди. Айримларини бола тилига мослаб, унинг онгига етказишга, очиғи, қийналамиз.

Ҳидир МУРОД (Бухоро вилояти): — Сочимиз бола тарбиясию унга билим бериш билан оқарди. Дарсу мутолаадан ортиб, ижод ҳам қилдик. Аммо кейинги пайтларда бизнинг ижодга, иқтидорга назарни қаратмай қўйдилар. Ёзганларимиз матбуот юзини кўриб турса, деймиз. Китоблар чиқаришни орзу қиламиз. Мен бир таклифни киритмоқчиман. Ҳамонки бозор сиёсати йўлимизни, қўлимизни боғлаб, тахчилликка олиб келган экан, бизнинг ижодий маҳсулларимизни ўзимизнинг «Ўқитувчи» нашриёти китоб ҳолида эълон қилишга бот-бот эътибор бериб туриши керак.

Боқимирза УМРЗОҚОВ (Чортоқ тумани): — Адабиётга беҳад муҳаббатим боис ўзим районимиздаги турли мактабларга бориб, шеърияга, ижодга иҳлосманд болалардан 25 нафарини тўпладим ва бир синф қилиб уларни ўқита бошладим. Ҳозир шогирдларимнинг турли жанрларда қалб туғёнларини ифода этишга қўллари келиб қолди.

Ёшлигида мамлакатни кўрганлар катта бўлганида дунёни кўради, дейишади. Мен болаларни уюштириб, ота-оналари билан келишиб, Самарқандни кўрсатиб келдим. Истагим — тарихий обидаларимиз мужассам бўлган шаҳарларимизни кўрсатсам, девдим.

Нормурод КАРИМЗОДА (Самарқанд вилояти): — Мактабларда, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, ўзгаришлар беҳад, беҳисобдир. Турли рамзларга барҳам берилди. Пионер, комсомол.., деган номлар, сафсатали қарору ваъдалар барҳам топди. Мен болалар ижодий марказининг директориман. Шунинг учун ҳам бундай қасамёду қаторларга бефарқ эмасман. Янгиланиш жараёнида турлича тушунмовчиликлар ҳам бўлаяпти. Истагим: бизга дастуриламал бўладиган қўлланмалар, тавсяномалар тез-тез эълон қилиниб турса...

ЗИЁ НАЖИМИЙ (Андижон вилояти): — Умрида уч марта алифбоси алмашган, фикру ғоялари тез-тез ривожланиб, турланиб турган авлоднинг вакилларимиз. Аммо, буни қарангки, биз оми одам бўлмадик. Гарчанд тилимизни йўқотдик, динимиз сусайди, аммо билимга муҳаббатимиз, ўзлигимизни танишга интилишимиз тугагани йўқ. Мен фанни қурол қилиб, билимдонлиги билан шогирдларини мафтун қилаётган касбдошларимга диний билимларни ҳам мукаммал эгалланг, деган бўлардим. Одам Ато ва Момо Ҳаванинг фарзандларимиз. Демак, дунё одамлари бир бирига қондош, қариндош. Аммо қавмлар боис, диний йўналишлар боис одату амалларимиз ўзгача бўлиб борган. Шуни ўқувчига жонли ва ишонарли қилиб сўзлашни ўрганайлик.

БЕҲИ

Беҳи мевасини чирт узди шамол,
Айрилди фарзанддан гўёки она!
Бемаҳал эсган бу шамол ҳазилки
Вақтинча бўлса-да енгди мардона.
Ариққа тушди-ю, аввал думалаб,
Сув юзида қалқди, тўлқинлар сурди.
Аммо ўз еридан кетгиси келмай,
Дуч келган тўсиққа ўзини урди...

* * *

Куз шамоли ўйнар бетиним,
Титрамоқда мажолсиз япроқ.
Ўпкасини тўлдирар ёмғир,
Йиғламоққа чоғланар тупроқ.
Қовоқ уйиб, савалар яна
Дарахт, майса, гулларни осмон.
Ўз ҳукмини ўтказган куннинг
Феълин кўриб тутмангиз осон...
Осон эмас унга ҳам энди,
Қишнинг туғи бағрига инди...

Тўхтахон РАҲИМОВА,
Наманган районидаги 8-ўрта мактаб.

ХАНДАЛАР

АКАМ БАЖАРДИ

— Сен уй вазифаларини яхши бажарибсан. Хойнаҳой сенга аканг ёрдамлашгандир?
— Йўқ, у ҳаммасини бир ўзи бажарди...

ШАКАРЛИ ГАП

Ўқитувчи: «Шакар» сўзи билан битта гап туз.
Ўқувчи: Мен эрталаб бир стакан чой ичдим.
Ўқитувчи: Қани бу ерда шакар?
Ўқувчи: Чойнинг ичида-да.

БУ ҚАЙСИ ВАҚТ

— Бу қайси вақт: «мен чопаяпман», «сен чопаяпсан», «у чопаяпти»?
— Бу — танаффус пайти.

АЖОИБ СЎЗ

— «Синоним» нима?— сўради ўқитувчи.
— «Синоним» бошқа сўзни билмаганимизда ёзадиган сўзимиз.

ТАНАФФУСДАГИ ВАЗИФА

— Сен нега уй вазифасини бажармадинг?
— Танаффус жудаям қисқа бўлди-да.

ЎҚУВЧИНИНГ ОТА-ОНАСИ

Ўқувчи синфга кириб келди:
— Сиз менинг ота-онамни қўрмоқчи эдингиз. Мана улар,— деди у ўқитувчига ва стол устига 2 та суратни қўйди.

БУЙРУҚ МАЙЛИ

— Битта гап туз ва уни буйруқ майлида айт.
— От аравани тортиб кетаяпти.
— Хўп, яхши. Буйруқ майли қани?
— Ҳа! Чух!

5 ТА ФЕЪЛ

Ўқитувчи: Иккита гап ёзишинг керак ва ҳар бирида 5 та феълни қўлла.
Ўқувчи: Она пиширади, супуради, тикади, ювади ва уйғотади. Ўғил ейди, ичади, ўйнайди, ўқийди ва ухлайди.

УЛАР ҚАНДАЙ АТАЛАДИ

Ўқитувчи: Ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшайдиган жониворлар нима деб аталади?
Ўқувчи: Матрослар.

ЁД ОЛДИНГМИ?

— Сен шеърни ёд олдингми?
— Ҳа, аммо эслай олмаяпман, у нима ҳақида эди?

УФҚДА

— «Уфқ» сўзи билан битта мисол айт-чи?
— Мен уфқда ўтириб китоб ўқирдим.

БУ ШУНДАЙ ТЎРТБУРЧАККИ...

— Айлана. Бу нима?
— Айлана — бу шундай тўртбурчакки, унинг бурчаклари бўлмайди.

Б. УЛУҒБЕКОВ.
Булунғур райони.

ЎЗБЕКНИНГ ТИЛИ ҚИЗИҚ

●

— Қаламингиз кундан-кунга ўткирлашаяпти, яшанг, укам! —
— Раҳмат, қаламимни ҳар куни йўниб ишга келамандa...

●

Мухбир: — Айтинг-чи, ўтган йилгига қараганда кўп сут соғиб олишингизнинг сири нимада?
Соғувчи: — Ўтган йили уйимизга водопровод ўтказилмаган эди. Бу йил ўтказдик.

●

Кампирлар учрашиб, ўзаро гап бошлашди:
— Қалай, қўшни, янги сиёсат деганларидек, уйингизда бирор нарса ўзгардими?
— Айланай, сўрама. Шу десангиз, демократ билан ошкорадан ўргилай. Молага минган сўфидай индамай ўтирадиган келинларимнинг ҳам тили чиқиб қолди.

●

— Фарида опа, нега кечикдингиз? Ўқувчиларингиз синфни бошига кўтариб юрибди.

Ж. ДАВЛАТМУРОДОВ.
Беруний шаҳар, С. Раҳимов номли 8-ўрта мактаб.

КЎЗЛАР БИР-БИРИНИ АЛДАМАСА БАС

Севгида содиқлик мардларнинг иши,
Дил олқиши эмас, тиллар олқиши.
Покиза муҳаббат омад боқиши,
Юзлар бир-бирини алдамаса бас.

Маъно тўла уммон, ёрим, кўзларинг,
Ширин қанду-асал айтар сўзларинг.
Кўзимга суртаман, ҳатто, изларинг,
Излар бир-бирини алдамаса бас.

Ой ҳам ҳижолатдир,
ой юзларингдан,
Гунчалар уялар ёр юзларингдан.
Вафолар уқаман ҳар сўзларингдан,
Сўзлар бир-бирини алдамаса бас.

Розиман сен учун ҳижронда толсам,
Севилиб қалбингда мангуга қолсам.
Умринг бўйи танҳо севгилинг бўлсам,
Кўзлар бир-бирини алдамаса бас.

ҲИЖРОН ДОРЛАРИГА ОСМАНГИЗ МЕНИ

Ҳижроннинг йўллари тиканзор экан,
Кимки қадам қўйса, хору-зор экан.
Армон муҳаббатга ёққан қор экан,
Ҳижрон дорларига османгиз мени.

Самоларга боқсам юлдузим бўлсин,
Нурафшон тунларим,
кундузим бўлсин,
Вафони куйлашда ўз сўзим бўлсин,
Ҳижрон дорларига османгиз мени.

Унинг дорларига осилган оним
Ўкинч бўлиб оқар юракда қоним.
Муҳаббат — ҳаётим,
шуҳратим, шоним,
Ҳижрон дорларига османгиз мени.

САДОҚАТ (Садринисо ФАИЗИЕВА),
Ховос район халқ таълими бўлими услубшуноси.

ЎҚИТУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

ҚИТИҒИНИ ТОПДИ

— Ҳо, индамас, гапирар-кансан-ку, — деди игна пластинканинг баданига ботиб.

●

ЁҚА УШЛАДИ

Аччиқ тилнинг ҳақоратини эшитиб турган лаб:
— Сени шунинг учун ҳам атрофингга ўттиз икки соқчи қўйиб умрбод зиндон қилган эканлар-да, — деди чуқур нафас олиб.

●

ЎГИТ

— Бўҳтон ёзсанг, болам, берган сутимга розимасман, — деди сиёҳдон перога.

●

ЛАҚМА

— Доим йўлимни пойлайсан, ёш умримга завол бўлма, бир марта қўйвор, жон оға, — деб ялинди қармоққа жон талвасасида ётган лаққа балиқ.
— Вой, нодон-эй, тушингни сувга айт. Сендек содда, лақмалар бўлмаса мен қандай тирикчилик қиламан.

●

ЗОТИ ТОШ-ДА

— Биз қайдаю сен қайда, — дея кулишди ялтоқланиб марваридлар ўзларини маҳкам тутиб турган ипни калака қилиб.
Ип ҳам бунга ортиқ чидамади, шарт узилди-ю:
— Мана, сизлар қаёқда, — деди оёқ остига тирқираб кетган марваридларга.

●

ОШКОРАЛИК

Минбарда узоқ вайсаган ғаразни ҳақиқат келиб гирибонидан маҳкам тутди.
— Тўхта, етар энди. Бизга ҳам сўзлайдиган вақт етди, — деди у қаддини ростлаб ва уни пастга ирғитиб юборди.
Ғаразнинг елкасида ҳақиқат тепкисининг изи қолди.

●

ТЕГИРМОНДАГИ ГУРУНГ

Сувнинг гапига кириб, икки тош айланди-ю, ўртада буғдой ун бўлиб кетди.

●

БОТИНКА ВА ЭТИК

Ботинка этикка кулди.
— Аввал боғингни боғлаб ол, оғзинг очилиб қолди, — деди этик.

Баҳром МАҲМУДОВ.
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.

ҚИЁМИГА ЕТГАН ГАПЛАР

Муаллим мактабга тоза, пок ниятда келиб, пок ниятда чиқиб кетиши керак. Иғво, жанжаллар, тарафкашлик мактаб жамоасининг фуқаролар ўртасида обрўсини йўқотади.

* * *

Билим хазина бўлса, хазначи муаллимдир.

* * *

Ўқувчига ота-она азиз, ундан кейин яхши муаллим азиз.

* * *

Баҳор жарчиси бойчечак бўлса, билимлар жарчиси муаллимдир.

* * *

Ўқувчилар саволига жавоб бера олмай довдираган муаллимдан ёмғирда жавраб турган жўжа афзал.

* * *

Зулук жониворлар қонини шимиб яшайди. Савдогар, олиб сотар эса жамиятда одамлар мулкини шимиб яшайди. Оқибатда давлат қони кам одамдай довдираб, гандираклаб яшайди.

* * *

Ўқитувчи учун мактаб иккинчи уйдир. Уйнинг обод ва мафтункор бўлиши шу уй эгаларига боғлиқ.

* * *

Балиқ сув билан тирик, муаллим ўз ўқувчилари билан.

* * *

Ўқитувчи ҳаёт синовидаги одам. У ҳар доим ўқувчилар, кейин ота-оналар ва жамоатчилик синовидадир. Шунинг учун ҳам у бошқалардан кўпроқ нарсани билиши ва ақлли ҳамда фаросатли бўлмоғи керак.

* * *

Тома-тома кўл бўлганидек, билим ола-ола бола ҳам донишманд одамга айланади.

* * *

Муаллим боғбон бўлса, унинг боғидаги мевалари ўқувчиларидир. Бу меваларнинг мазали бўлиши боғбоннинг ишлов беришига боғлиқдир.

* * *

Муаллим савдогар ҳам, олиб сотар ҳам бўла олмайди. Акс ҳолда жамиятни хор қилувчи, кўп нарсага зор қилувчи бу иллатни даволаб бўлмайди.

* * *

От, машина пиёдани манзилига элтса, китоб ва муаллим болани билимлар хазинасига элтади.

* * *

Чарх ўроқ, пичоқни чархлайди, китоб ўқувчи зеҳнини чархлайди.

* * *

Усимлиқ тупроқдан озуқа олса, бола муаллим билимидан озуқа олади.

* * *

Савдогар, белимнинг қуввати пулим, деди. Муаллим, белимнинг қуввати билим, деди.

* * *

Балиқ овлашни яхши кўраман. Хаёл оғушида фикр овлашни ундан ортиқ яхши кўраман.

* * *

Муаллимнинг юзу кўзида, сўзида ҳам, қалби ва кийимида ҳам гўзаллик барқ урмаса, ўқувчилар қалбида гўзаллик уруғи униб чиқмайди.

* * *

Артист саҳна олдида маҳорат кўрсатиб олқиш олади. Муаллим синфхонада маҳорат кўрсатса ҳурмат олади.

* * *

Билим қозондаги ош бўлса, уни тайёрловчи ва сузиб тарқатувчи ошпаз муаллимдир.

* * *

Муаллимнинг қалби қизиб турган тандирга ўхшайди. Қизиган тандирга ҳамир тез ёпишиб, лаҳзада ширмой нонга айланади. Муаллим қалбидаги ҳароратдан болалар қалбида ҳам ширмой нонга ўхшаш ақл-заковат шаклланади.

* * *

Ўқувчи сўзингга кирмаса, ундан хафа бўлма. Бунинг учун ўзингдан айбни ахтариб топ.

* * *

Олтин туғайдиган кон. Билим туганмас макон.

* * *

Қалбида ҳарорати йўқ муаллимнинг қалби совуб қолган тандирдек бўлади. Совуган тандирга моҳир пазанда ҳам нон ёпа олмайди. У фақат кулга ботган кўмачлар олиши мумкин.

С. ОСТОНОВ,
Қамаши районидаги 74-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32--78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г-358. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.30. Тираж 44521.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12